

Бу сонда:

2 -бет

ИЛМИЙ
ИЗЛАНИШЛАР
САМАРАСИ

5 -бет

ИРМОҚЛАР
ҚЎШИЛГАНДА...

6 -бет

НОВАЯ
ЛАБОРАТОРИЯ
ЦНТМИ

7 - 10 -бет

Xabar-TV

11 -бет

ШВЕЦИЯ ПОЧТАСИ –
ЎРМОНЛАР
ҲИМОЯЧИСИ

12 -бет

Компьютер
саводхонлиги

14 -бет


Академик Мирзакарим
НОРБЕКОВ услуги:

Саломатлик,
навқиронлик ва
ёшлик сари

Ислом КАРИМОВ:

Ҳиндистон ахборот технологиялари борасида катта тажрибаларга эга ва биз уни ўзлаштиришдан манфаатдормиз.

Ахборот технологиялари марказига ташриф



Сергей НАСЛЕДОВ олган суратлар

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингх Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи доирасида Тошкент ахборот технологиялари университетига борди. 2004 йилнинг октябрида икки мамлакат ўртасида ушбу университет хузурида Ўзбекистон–Ҳиндистон Ахборот технологиялари марказини очиш тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ҳиндистонлик олий мартабали меҳмоннинг юртимизга ташрифи арафасида ушбу марказни очиш лойиҳаси якунига етди ва томонларнинг келишувига мувофиқ унга атоқли ҳинд сиёсат ва давлат арбоби Жавахарлаъл Неру номи берилди.

Марказнинг тантанали очилишида қатнашган олий мартабали меҳмон Ўзбекистон ва Ҳиндистон кўплаб соҳаларда бўлгани каби ахборот технологиялари йўналишида ҳам алоқаларни кенг ривожлантириш салоҳиятига эга эканлигини, ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда бу борадаги ҳамкорликнинг долзарблиги ошиб бораётганини таъкидлади.

Haftalik
xabarlar

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх 2006 йил 25-26 апрел кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.**

Ташриф давомида бўлиб ўтган музокараларда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилди.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг ташаббуси билан Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида иқтисодий интеграцияни жаддалаштириш шароитида божхона сибсатининг қонунчилик базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.**

Давра суҳбатида божхона қонунларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг раиси Х.Дўстмухамедов тақдим этган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилди.**

Муҳокама чоғида оммавий ахборот воситалари муассисларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, таҳририятнинг ҳуқуқий ҳолати ва устави (низоми) мазмунини тўғрисидаги нормаларга эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиботини ҳуқуқий тартибга солишга дахлдор нормалар кўриб чиқилди ва атрофлича таҳлил этилди. Мажлисида сўзга чиққан депутатлар қонун лойиҳасининг нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни билдиришди. Мазкур ҳужжат Қонунчилик палатасининг муҳокамасига қайта иккинчи ўқишда киритилмаган бўлди.

◆ **Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес мажмуасида жойлашган ўзбек-япон марказида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Япония Миллий молиявий корпорацияси (NLF) ҳамкорлигида "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни молиялаштириш" мавзусида семинар ўтказилди.**

Маърузачилар ўз чиқишларида Японияда кичик бизнесни молиялаштириш хусусиятлари, шунингдек, кредит таҳлилнинг асосий жиҳатлари ва тадбиркорликдаги муаммолар хусусида тўхталдилар.

◆ **Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сибсат масалалари қўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳанд моддаларга қарши кураш бўйича конвенциясининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бажарилишини назорат қилишга бағишланган сайёр йиғилиш ўтказди.**

Сайёр йиғилишида иштирок этган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликка ва гиёҳандликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Жеймс Калехон жаноблари инсоният учун хавфли бўлган гиёҳандликка қарши курашда минтақавий лойиҳалар қўлланилаётганини, Ўзбекистонда бу муҳим иш оғоҳлик ва ҳушёрлик тадбирларига қўшиб олиб борилаётганини таъкидлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида Мудофаа вазирлиги ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда "Фуқаролик бурчи ва ҳарбий қасамёд" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда Куролли Кучлар сафига қабул қилинган ёш ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентини ва халқига, мамлакатимиз суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигига содиқлик тўғрисида ҳарбий қасамёдни қабул қилиш аҳоли хавфсизлиги ҳамда тинч ҳаётини таъминлашга оид фуқаролик бурчини бажариш кераклигини тушунтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

◆ **Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Қозоғистон темир йўли" миллий компанияси томонидан "Қозоғистон темир йўлларининг транзит имкониятлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ўзбекистондан Россия, Хитой, Жануби-шарқий Осиё, шунингдек, Европа Иттифоқига аъзо давлатларга Қозоғистон темир йўллари орқали экспорт ҳамда ушбу мамлакатлардан республикамизга импорт қилинаётган транзит юклар учун олиннадиган тариф ва нархларни мақбуллаштириш масаласи кўриб чиқилди.**

Илмий изланишлар самараси

Мамлакатнинг келажаги ва ривожини илм-фан, интеллектуал соҳанинг раванқи билан бевосита боғлиқ. Шу боис ҳукуратимиз илмий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг талаб ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, 2002 йилнинг 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган ҳам бунинг исботидир.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хайъатининг 2005 йил 30 сентябрдаги «Соҳада илмий кадрларни тайёрлаш тўғрисида»ги ва 2005 йил 30 ноябрдаги «Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан ўтказилган илмий-техник тадқиқотларнинг самараси ва уларни амалга татиқ этиш тўғрисида»ги қарорлари, 2005 йил 12 октябрдаги «Илмий кадрларни тайёрлашни жаддалаштириш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги буйруғи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъатининг 2006 йил 25 февралдаги «Республика олий таълим муассасалари илмий-тадқиқот фаолиятини ўрганиш натижалари, мавжуд илмий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида»ги қарори ушбу масаланинг қанчалик долзарб эканлигини намоён этиб турибди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг ижросини амалга ошириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети раҳбарияти томонидан юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда илмий тадқиқотларни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар олиб бориляпти. Жумладан, сўнгги икки йил ичида ТАТУ Илмий кенгашида ушбу масалалар қайта-қайта кўриб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг «Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида техника фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 001.25.01 рақамли Бирлашган иختисослашган

кенгаш тузиш тўғрисида»ги буйруғи чиқди. Иختисослашган кенгаш «Ҳисоблаш машиналари, мажмуалар, тизимлар ва тармоқларнинг математик ва дастурий таъминоти» (05.13.11), «Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари» (05.13.13), «Ахборотлар технологияси, ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва усуллари» (05.13.19) ва «Радио-техника, телевизион тизимлар ва қурилмалар» (05.12.17) мутахассисликлари бўйича докторлик (номзодлик) диссертациялари ҳимояларини ўтказди. Бу ҳам илмий кадрлар салоҳиятини ошириш имкониятини кенгайтиради.

ТАТУ Васийлик кенгашининг 14-сонли қарори билан 2005 йилнинг 14 декабрида «Тошкент ахборот технологиялари университети Васийлик кенгаши жамғармаси ҳисобидан диссертация мўаллифлари ва раҳбарларини рағбатлантириш ҳамда тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Низом қабул қилинган эди. Ушбу низомга биноан, ТАТУда ишлаб турган илмий ходимлар фан номзоди илмий даражасини олиш учун қилган илмий ишларининг тасдиғини олганларидан сўнг 3000000 сўмдан, уларнинг раҳбарлари ва илмий маслаҳатчилари 500000 ва 1000000 сўмдан рағбатлантириш мукофотини олишлари қўзда тутилган эди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, низом ўз ижросини топмакда. ТАТУ Илмий кенгашининг 2006 йил 27 апрелдаги йиғилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Арипов

иштирок этиб, фан номзоди илмий даражасини олиш учун қилинган ишларининг тасдиғини олган «Ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси Эрбол Бугибеов, «Электроника ва схемотехника» кафедраси катта ўқитувчиси Нодира Алимова, «Маркетинг ва менежмент» кафедраси катта ўқитувчиси Гавҳар Ҳамдамаларга 1000000 сўмлик, уларга раҳбарлик қилган профессорлар С.Қосимов, Х.Орипов ва ТДУ профессори М.Турсунхўжаевларга 500000 сўмлик пластик карточкаларни тантанали равишда топширди. Агентлик Бош директори илмий салоҳиятга эга кадрларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш ишлари Агентлик ва ТАТУ Васийлик кенгашининг доимий эътиборида бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, ТАТУ «Ахборот технологиялари» кафедраси доценти Ҳакимжон Зайниддиновнинг техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун қилган илмий иши ҳам тасдиқланиб, Илмий кенгаш йиғилишида олимга докторлик дипломи топширилди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ТАТУ Илмий кенгашида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва илмий кадрларни тайёрлаш масаласи жуда кўп бора кун тартибидан жой олиб келмоқда. Жумладан, Кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида университетда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 2010 йилгача бўлган даврда илмий кадрларни тайёрлаш дастури муҳокама қилинди. Бу дастур режасига кўра, шу давр ичида 36 нафар фан доктори ва 138 нафар фан номзодини тайёрлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бу масаланинг ўта долзарблиги эътиборга олинган ҳолда, илмий кадрларнинг исм-шарифлари ва илмий даража олишининг муддатлари кўрсатилган режа тузиб чиқилди ҳамда унинг ижросини таъминлашга келишилди.

Умид қиламизки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг етуқ мутахассисларини тайёрлашга доир бу режа ҳам албатта амалга ошади.

Нодира
АҲМЕДОВА,
ТАТУ илмий котиби,
физика-математика
фанлари номзоди, доцент

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

«МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ»

Бу йил энг улуг, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги нишонланади.

Шу муносабат билан «ХАВАЯ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ, ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҳамкорликда «МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ» мавзусида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мустақиллик даврида эришилган ютуқлар, меҳнат фахрийлари ва изланувчан, тадбиркор мутахассислар фаолияти ҳақида ёзилган энг яхши лавҳа, мақола, очерк ҳамда фотосуратлар учун танлов эълон қилади.

Муаллифлар алоқа соҳасида фидокорона ва самарали меҳнат қилаётган алоқачиларнинг иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётдаги фол иштироки, соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганликлари ҳамда ушбу тизимдаги энг илгор алоқа корхона ва ташкилотларининг меҳнат жамоалари фаолияти ҳақидаги материаллари билан танловда қатнашишлари мумкин.

• ФОЛИБЛАР КUYИДАГИ МУКОФОТЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР:

- Битта биринчи мукофот: - 200 000 сўм
- Битта иккинчи мукофот: - 150 000 сўм
- Битта учинчи мукофот: - 100 000 сўм
- Битта энг яхши фотосуратлар учун: - 100 000 сўм.
- Шунингдек, иккита рағбатлантирувчи мукофот.

Танлов жорий йилнинг 31 августида якунланади.

Ғолиблар 15 сентябрда эълон қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй.

Телефонлар: 133-36-48, 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz

KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

Яқинда Ўзбекистон алоқа ходимлари марказий кенгаши раёсатининг «Соҳа ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган режага асосан Сирдарё вилоятида ҳуқуқий семинар-машғулот бўлиб ўтди.

Ҳуқуқий семинар ўтказилди

Унда Ўзбекистон алоқа ходимлари марказий кенгашининг раиси Т.Назаржонов, марказий кенгашнинг бош ҳуқуқшуноси А.Аҳмедов ҳамда «Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига шарҳлар» китобларининг муаллифи Е.Соколовлар қатнашди.

Семинарда Т.Назаржонов тармоқ касаба уюшмасининг янги тахрирдаги Устави, 2006-2008 йилларга тузилган «Тармоқ келишуви»даги тенг ижтимоий шерикчилик масалалари бўйича олиб борилган ишлар ҳақида сўз юритди. Шунингдек, у Устав ва Тармоқ келишувига киритилган қўшимча имтиёзлар ҳақида ахборот берди.

Ҳуқуқшунос А.Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси бўйича «Ўзбектелеком» АКнинг «Сирдарё Телеком» ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Сирдарё филиалларида ўтказилган мониторинг ишлари тўғрисида ҳисобот бериб, айрим хато ва камчиликларни бартараф этиш борасида тегишли тавсияларни билдирди.

Ҳуқуқий семинар-машғулотда қатнашган вилоят алоқа корхоналарининг ходимлар бўлими мутахассислари, касаба уюшмаси қўмиталари раислари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Машғулотлар якунида иштирокчиларга марказий кенгаш томонидан тайёрланган ҳуқуқий қўлланмалар ва Е.Соколов муаллифлигидаги «Правовое регулирование труда руководителей общественных объединений» китоблари тақдим этилди.

Улуғбек ТАНИҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти алоқа
ходимлари бирлашган
касаба уюшмаси қўмитаси раиси

DAVRA SUHBATI

Ёш аскарлар ҳузурида

Жорий йилнинг 26 апрел куни Махсус авария-тиклаш бошқармасида мuddатли ҳарбий хизматга чақиртирилган ёш аскарлар ва бошқарма шахсий таркиби билан давра суҳбати ўтказилди.


Унда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Қ.Каримбеков ва Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси вакили, адлия майори И.Тешаевлар иштирок этишди.

Ёш аскарлар республикаимиз ва халқро майдонда содир бўлаётган воқеалар, Қуролли Кучлар Низоми талаблари, Жиноят Кодексининг ҳарбий соҳага тегишли бандлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумот ва ўзларининг саволларига тўлиқ жавоб олишди. Шу билан бирга, мuddатли ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган жиноятларга алоҳида тўхталиб, ёш аскарларга Жиноят Кодексининг XXII боби («Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар») ўқиб эшиттирилди. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчилик билан ташлаб кетиш, дезертирлик, ўзининг бирон аъсосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш каби жиноятлар оқибати тушунтирилиб, ҳарбий хизматчилар учун ҳуқуқимиз томонидан берилган имтиёзлар ва яратилган бошқа қулайликлар ҳақида гапирилди.

Абдумажид САГАТОВ,
Махсус авария-тиклаш
бошқармаси бошлигининг тарбиявий
ишлар бўйича ўринбосари,
подполковник

«Coscom» компаниясининг 10 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги «Яккасарой спорт мажмуаси»да спорт мусобақалари ўтказилди.

“COSCOM” ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ



Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Турли корхона ва ташкилотлар ўз ходимлари, мижозлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиб келяпти. Шу йилнинг 22 апрел куни «Coscom» компанияси ташкил этган тадбир ҳам юзлаб спорт ишқибозларини ўзига жалб этди.

Спортнинг шохмот ва югуриш турлари бўйича ўтган мусобақаларда 100дан ортик ҳаваскор спортчилар – «Coscom» компанияси абонентлари, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ва бошқа ташкилотлардан вакиллар иштирок этдилар.

Мусобақаларда ёшлар билан бир қаторда бир гуруҳ фахрийлар ҳам муваффақиятли қатнашди. Айниқса, шохмот турнирида Феликс Прудников, Одил Сиддикўжаев, Анатолий Мелников, Ўткир Каримбобоев сингари фахрийлар яхши натижалар кўрсатиб, компаниянинг махсус совринларига эга бўлдилар.



Кизгин ўтган мусобақаларда қуйидаги спортчилар шохсупанинг юқори поғонасидан жой олишди ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирланишди:

Шохмот турнири бўйича

- 1-ўрин – Жасур Мажидов, Болалар ижодиёти марказининг тўғарақ раҳбари (телевизор).
 - 2-ўрин – Зуфар Носиров, Тиббиёт маркази раҳбари (магнитофон).
 - 3-ўрин – Баҳодир Тўраев, «Coscom» абоненти (магнитофон).
- 3 километрга югуриш (29 ёшдан катталар ўртасида)**
- 1-ўрин – Аъзам Алиев, ҳарбий хизматчи (магнитофон).
 - 2-ўрин – Нодир Маюсупов, ТАТУ лаборанти (магнитофон).
 - 3-ўрин – Юрий Филатов, «Трансмакро» компанияси ходими (Касаба уюшмаси қўмитасининг махсус соврини).



- 3 километрга югуриш (28 ёшгача бўлганлар ўртасида)
 - 1-ўрин – Иван Морозов, «Coscom» абоненти (телевизор).
 - 2-ўрин – Руслан Кулиев, ҳарбий билим юрти талабаси (магнитофон).
 - 3-ўрин – Сайфитдин Абдуқаюмов, ҳарбий хизматчи (касаба уюшмаси қўмитасининг махсус соврини).
- Мусобақада қатнашган барча иштирокчиларга компания касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

“ХАБАР” ГАЗЕТАСИГА 2006 ЙИЛ УЧУН РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН ОБУНАЧИЛАР СОНИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

(1 апрел ҳолатига)

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри	янв.	июл	Январ ойига нисбатан иккинчи ярим йилликда обуначилар сонининг камайиши
1 Қорақалпоғистон Республикаси	1714	1295	- 419
2 Андижон	1090	366	- 724
3 Бухоро	450	293	- 157
4 Жиззах	282	50	- 232
5 Навоий	318	310	- 8
6 Наманган	330	122	- 208
7 Самарқанд	602	59	- 543
8 Сирдарё	342	48	- 302
9 Сурхондарё	698	146	- 552
10 Тошкент	486	92	- 394
11 Тошкент шаҳри	1187	162	- 1025
12 Фарғона	1131	537	- 594
13 Хоразм	413	175	- 238
14 Қашқадарё	966	73	- 893
ЖАМИ	10009	3720	- 6289


Изоҳ: Йилнинг иккинчи ярим йиллигига келиб обуначилар сони 6289тага камаяди ва 3720тани ташкил этади. Агар улар обунани 15 майгача расмийлаштиришса, газетани 1 июлдан олиб ўқишга муваффақ бўлишади.

OBUNA — 2006

АЗИС МУШТАРИЙЛАР!
“Xabar” газетасига 2006 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Газетага барча алоқа бўлимларида ва матбуот дўконларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичлари:

Якка тартибдаги обуначилар учун — 227. Ташкилотлар учун — 228.



DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

Мисрнинг Қизил денгиз қиргоғи бўйида жойлашган Даҳаб дам олиш масканида кетма-кет бир неча портлаш содир этилган.

Расмий хабарларда айтилишича, портлашлар оқибатида жами 18 нафар киши ҳалок бўлган, 85 нафар киши турли хил тан жароҳатини олган. Курбон бўлганлар орасида олти нафар хорихлик фуқаро ҳам бор.

"Sky News" ахборот агентлиги хабар беришича, биринчи портлаш "Ал-Машрабия" меҳмонхонасида амалга оширилган. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас "Aladin" барида, "Nelson" ресторанида ҳамда «Ghazala» савдо марказида ҳам портлашлар юз берган. Гувохларнинг айтишича, террорчилик содир этилган жойларда инсон танасининг бўлаклари ҳар томонга сочилиб кетган, бир неча одам воқеа жойидаёқ вафот этган. Полиция ҳеч қимни шаҳардан чиқармаган ва суриштирув ишларини бошлаб юборган. Мамлакат Ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотларда айтилишича, икки кун мобайнида ўттиз киши гумондор сифатида қўлга олинган.

Аниқланишича, террорчилар

МИСРДА ТЕРРОРЧИЛИК



қўлбола портловчи воситалардан фойдаланишган. Исроил махсус хизмати вакиллари қўпурувчилик "Ал-Қоида" ташкилоти томонидан амалга оширилганини тахмин қилишмоқда. Бундан бир неча кун олдин ташкилот раҳбари Усома бин Лодиннинг овози ёзилган аудиотасма маълум қилинган бўлиб, унда Бин Лодин Ғарб давлатлари фуқаролари — террорчиликнинг асосий нишони эканини айтган. Шунингдек, хабарларда Исроил махсус хизмати террорчилик амалиёти хусусида бир неча кун олдин хабар топган, аммо бун

га етарли эътибор берилмагани айтилади.

Мазкур воқеа муносабати билан мамлакат президенти Хусни Муборак телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, портлашларни террорчилик ҳаракати, деб баҳолади ва айбдорлар албатта одил суд қилинишини таъкидлади. Шунингдек, мамлакат раҳбари Шарм аш-Шайх госпиталида бўлиб, теракт пайтида ҳалок бўлганларнинг ақин қариндошлари ҳамда яраланганлар билан учрашди. У вафот этганлар оиласига 10 минг доллардан, яраланганларга эса

минг доллардан ёрдам пули тўланишини маълум қилди.

Сайёҳлик бизнеси билан шуғулланувчи даҳабликлар террорни қораловчи митинг уюштиришди. Улар олдида сўзга чиққан Миср Бош вазири ушбу теракт асосий даромадни сайёҳлик бизнесидан оладиган Миср иқтисодиётига берилган зарба эканлигини айтди.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги эълон қилган баёнотда айтилишича, террорчилик хуружи "Миср мухождлари" томонидан уюштирилган. Ҳозирча ушбу маълумотни расмий Қоҳира тасдиқлагани йўқ.

МУДОҒАА ВАЗИРЛАРИ ПЕКИНДА

Хитой пойтахти Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар мудоғаа вазирларининг уchrашуви бўлди.

"Новости" ахборот агентлигининг хабар беришича, ушбу йғилишда Россия Федерацияси мудоғаа вазири Сергей Иванов ШХТга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон билан биргаликда 2007 йилда ақсилтеррор машқларини ўтказиш таклифини илгари сурди. Бундан ташқари, С.Иванов ШХТга аъзо мамлакатлар мудоғаа вазирликлари ўртасида ҳарбий соҳадаги алоқаларни доимий равишда ривожлантириб бориш ва унинг ҳуқуқий асоси бўлган ҳужжат қабул қилиш кераклигини таъкидлади.

НАМОЙИШЧИЛАР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Доғистоннинг Доқузпарин туманида маҳаллий аҳоли томонидан уюштирилган намоийш вақтида тартибсизлик қилган 74 нафар иштирокчи қўлга олинди.



Туман прокуратурасининг баёнотида кўра, сешанба кунги туман марказидан унча узоқ бўлмаган Усухчой аҳоли масканида етти юзга яқин фуқаро маҳаллий маъмурият раҳбарларининг истеъфосини талаб қилиб митингга чиқишган. Намойишчилар республикадаги аҳамиятга молик йўллари тўсиб қўйишга уринишган. Шунингдек, улар республика раҳ-

барияти билан учрашишни талаб қилишган, лекин бу ҳаракатларнинг барчаси натижасиз тугаган.

Ички ишлар бўлимининг махсус бўлинмаси қурол ишлатишга мажбур бўлган. Натижада бир киши ҳалок бўлди, 12 нафар маҳаллий фуқаро ҳамда милиция ходими яраланди.

"ПАРРАНДА ГРИППИ" БУЮК БРИТАНИЯДА

Буюк Британияда ҳам "парранда гриппи"нинг H1N5 вируси топилди.

Вируснинг кенг тарқалиб кетишига қарши мамлакатда уч ҳафтага мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга кўра, мамлакатнинг барча аҳолиси бепул эмланади. Вакцина билан биринчи навбатда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари таъминланади.



КОНДАЛИЗА РАЙС ИРОҚДА

АҚШ Давлат котиби Кондализа Райс чоршанба кунги қўллаган ташриф билан Бағдодда бўлди.



Ундан аввалроқ Ироқ пойтахтига АҚШ Мудоғаа вазири Доналд Рамсфелд етиб келган эди. "Интерфакс" ҳар иккала ташриф ҳақида ҳам олдиндан ҳеч нарса маълум қилинмаганини таъкидлайди.

Шарҳловларнинг фикрича, иккала ташриф ҳам Ироқ ҳуқуқини ташкил қилиш ишлари билан боғлиқдир. Ташрифдан уч кун олдин ишларнинг "Дава" партияси етакчиси Жаъвуд ал-Малик мамлакатнинг Бош вазири этиб тайинланган эди.

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлигининг маълум қилишича, Рамсфелд Ироқдаги Америка ҳарбий кучлари бошлиги Жорж Кейс билан учрашган. Улар мамлакат ҳудудидаги АҚШ ҳарбий контингентига доир масалаларни муҳокама қилишган.

ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШДА

Озарбайжон президенти Илҳом Алиевнинг АҚШга расмий ташрифи бошланди. Алиевни Вашингтонга Жорж Буш шахсан таклиф қилган.



Ташриф давомида Озарбайжон раҳбари вице-президент Дик Чейни, Давлат котиби Кондализа Райс ҳамда АҚШ маъмуриятининг бошқа расмийлари билан учрашди. Музокараларда асосий эътибор икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилди.

АҲОЛИНИНГ 60 ФОИЗИ БУШДАН НОРОЗИ

"Эхо Москвы" радиосининг билдиришича, АҚШ президенти Жорж Бушнинг мамлакатдаги рейтингини тушиб кетиши рекорд даражасида етди.



"CNN" телекомпанияси ва "USA Today" газетаси буюртмасига кўра, Гэллан хизмати ўтказган сўров натижалари эълон қилинди. Натижалар сўровда иштирок этган америкаликларнинг 32 фоизига Жорж Буш сиёсатини маъқуллашганини кўрсатди. Олтмиш фоиз одам эса президент фаолиятидан норози экан, 8 фоизи унинг нима қилаётганини ҳатто тушунмаслигини билдирган. Ҳар учинчи америкалик Бушга импичмент эълон қилиш тарафдори бўлиб чиқди.

Сўровда мингдан ортиқ ёш америкалик қатнашган. Бир йил олдин ўтказилган худди шундай сўровда 48 фоиз АҚШ фуқароси ўз президентларига ишонч билдиришган эди.

НАМКАСBLARIMIZ

Ҳатто азим дарёлар ҳам катта-кичик жилгалару сон-саноксиз ирмоқларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Инсон кашфиётлари хусусида сўз борганда ҳам беихтиёр ана шундай фикр-мулоҳазаларга борасан киши.

Чиндан ҳам, мавжуд техник имкониятлар аниқ ҳисобга олинган ҳолда тавсия этиладиган режалар амалда татбиқ этила бошланса борми, қўйилган пировард натижаларга эришилиши турган гап. Бу эса, таъбир жоиз бўлса, катта ҳаёт дарёсига ўзига хос бўшқинлик ва маҳобат бахш этиши шубҳасиздир. Алоқа соҳасида узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган шофирконлик бир гуруҳ муҳандисларнинг фаолияти ва ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, ана шундай туйғуларни теран ҳис этдик.

Ўз ишининг ҳақиқий усталаридан бири — тумандаги Патта қишлоғида туғилиб ўсган Амон Нарзуллаев Тошкент алоқа политехникумида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини эса 1985 йили Шофиркон алоқа боғламсининг шахарлараро телефон станциясида катта электромеханикликдан бошлади. Орадан шунча йил ўтиб кетган бўлса-да, ташаббускорлик, изланувчанлик, тиришқоқлик фазилятлари уни асло тарк этгани йўқ. Соҳанинг юқори ташкилотлари томонидан берилган бир қатор "Фахрий ёрлик" ва "Ташаккурнома"лар эса бу йигитнинг камтарона меҳнатлари раҳбарлар эътиборига тушиб келаётганидан далолат бериб турибди. А.Нарзуллаев мана етти йилдирки, шахар телефон станциясининг биринчи тоифали муҳандиси бўлиб ишламоқда. Жамoa аъзоларининг қай бири билан сўбатлашманг, Амон ака ҳақида илиқ сўз айтади. У каби яшаш ва ишлашга интилаганлар ҳам бу ерда талайгина.

Амон аканинг жонқуяр ва изланувчан касбдоши Ҳазрат Ҳайдаров ҳам туман телекоммуникациялар боғламасида ўз обрў-

етук мутахассислар меҳнатининг самарасидир.

Туман алоқа соҳасида нимаики ишлар амалга оширилаётган бўлса, уларда биз юқорида тилга олиб ўтган иккала муҳандиснинг ҳам муносиб улуши бор.

бераётган ижобий ўзгаришларни тасаввур этиш қийин. Биргина мисол, 2005 йил натижаларига мувофиқ туман бўйича режадаги 100та ўрнига 284та янги телефон нуқтаси ўрнатили.

Биз мақолаимизни айнан ихти-

Ирмоқлар қўшилганда...



этиборига эга. Бу инсонни нафақат туман марказида, балки Иброҳим Мўминов, Алишер Навоий номидаги, "Ўзбекистон", Ҳайдаробод, "Боғиқазал" ва бошқа бир қатор қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшайдиган аҳоли ҳам яхши билади ва ҳурмат қилади. Ҳазрат Ҳайдаров Тошкент алоқа политехникумини тамомлаган. У ўз фаолиятини Вобкент алоқа боғламасида электромеханикликдан бошлади. Шаҳар телефон алоқаси станциясида ҳам меҳнат қилди. 2000 йилдан бунён у қишлоқ телефон алоқаси станциясининг 2-тоифали муҳандиси. У станция жиҳозларининг узлуksиз ишлашини таъминлаб, юқори сифат ва самарадорликка эришиб келаётган мутахассислардан. Линия-кабел ҳўжалигидаги жорий ҳамда тўла таъмирлаш ишларининг ўз вақтида уddалаб келинаётганлиги — Ҳазрат ака сингари

Жумладан, ўтган йили Шофиркон тумани бўйича жами 5та ҳудудда кабел тортилди. Туман марказини қишлоқ АТСлари билан боғловчи линиялар ҳам тўлиқ таъмирланди. Энди улар яна узоқ йиллар аҳолига хизмат кўрсатади. Жорий йил учун тузилган дастурга мувофиқ яна 5та ҳудудни телефонлаштириш кўзда тутилган.

Қишлоқ АТСларида узоқ йиллардан бери самарали ишлаётган электромонтерлар — "Моҳир алоқачи" фахрий унвони соҳибни Ҳамид Темиров, Исроил Шодиев, Закиддин Нуров, Қудрат Нурсатов, Вафо Рўзиевларнинг шижоатли меҳнатларисиз, шунингдек, 20-25 йиллик иш амалиётига эга бўлган Қайом Умаров, Мақсуд Қобилов, Қодир Қуллов ва яқиндагина ишга келган Умид Равшанов сингари қабелчи-пайвандловчиларнинг доимий интилишларисиз туман бўйича алоқа соҳасида рўй

рочилиқ таклифлари хусусидаги сўз билан бежиз бошламадик. Маълумки, аналог координатли телефон станцияларида жуфт абонентлардан фойдаланилади. Ҳозирги замонавий рақамли АТСларда эса бу кўзда тутилмаган. Айнан шундан келиб чиқадиган бўлса, мавжуд алоқа линия кабел ҳўжалиқларида ҳар битта абонентга қайта линия куриш учун ниҳоятда катта сарф-ҳаражатлар талаб қилинади. Шунки ҳисобга олиб, А.Нарзуллаев сингари ихтирочилар координат телефон станцияларида фойдаланиладиган САК платаси ўрнига ўзлари ясаган электрон мосламани ишлаб чиқаришга татбиқ қилишди. Бу мосламанинг иқтисодий жиҳатдан нақадар тежамкор эканлиги вақт ўтгани сайин тобора кўзга яққол ташланмоқда. Алоқа кабеллари ҳам, уларни сотиб олиш, ўтказиш ва фойдаланиш учун сарф бўладиган маблағ ҳам тежаб қолинди. Бу маблағ, табиийки, ишчиларни иқтисодий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга, уларга ҳар томонлама шартнош яратиб беришга, алоқа корхоналарини янги асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга сарфланадиган бўлди.

Ҳозирги даврда бундай хайрли ва эзгу ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқлик. Зотан, давримизнинг бош талаби ҳам шундан иборат.

Асқар ИСТАМОВ
Бухоро вилояти

BOLALARNING BEGONASI BO'LMAYDI

Савоб ишни ҳар ким қилиши керак

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали жамоаси томонидан Самарқанд шаҳридаги 11-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида "Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак" мавзусида хайрия тадбири ўтказилди.

Ушбу тадбирни университетнинг Самарқанд филиали директори Омон Мелиев кириш сўзи билан очиб, меҳрга зор, доимо саховатга ва ёрдамга муҳтож ёшларни келажаққа умид билан интилишга чорлади. Шундан сўнг Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гавҳар Худойбердиева, Ўзбекистон-Эрон дўстлик жамаияти вилоят бўлими раиси Равшан Гуломовлар ҳам сўзга чиқиб, тадбирнинг бугунги кундаги ўрни ва айни вақтида ўтказилаётганлиги, Меҳрибонлик уйи болаларига ғам-хўрлик қилиш ҳар бир мўмин-муслмон учун савоб эканлиги тўғрисида алоҳида тўхтадилар.

Тадбирда тарбияланувчилар эътиборига талабалар томонидан сарнашланган қизиқарли бадиий чиқишлар намойиш этилди. Болалар ўртасида шерь ўқиш, "Дўстлик" мавзусида расмлар чизиш танлови ўтказилиб, ғолибларга асдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, шу кунги филиал ташаббуси билан тўрт нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси суннат (хатна) қилиниб, уларга бош-оёқ сарпо кийгизилди. Барчага ош тортилиб, санъаткорлар иштирокида концерт уюштирилди.

Шавкат БҮРИБОЕВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
маънавий-маърифий ишлар
бўйича директор ўринбосари

TO'YXAT O'RNIDA

Бахтли инсон

"Дарахт бир жойда кўкаради", деб бежизга айтишмаган. Ҳазрат Шомуродовнинг Китоб телекоммуникациялар боғламасида хизмат қилаётганига ҳам ўттиз олти йил бўлибди. Йилларнинг елдек учиниши қаранг-а, уларнинг қандай ўтганига аҳил бир жамоадаги батартиб фаолият ҳамда намунали оила мисолида баҳо бериш мумкин.

Отабек ака оддий чўпон эди. Содда, бағрикенг бу инсон фарзандларини ўқимишли, эл қорига ярайдиган бўлиб етишишларини орзу қиларди. Дарҳақиқат, оиладаги беш фарзанд ҳам отанинг орзуларини рўйбга чиқаришди. Жумладан, Ҳазрат мактабини тугатиб, Шаҳрисабз қишлоқ ҳўжалиги техникумининг бухгалтерия бўлимида тахсил олди. Бу орада ҳарбий хизматда ҳам бўлиб қайтди.

Ҳазрат Шомуродов Китоб тумани алоқа тармоғига ишга келганда 19 ёшга тўлганди. Тез орада у интилувчанлиги, гайрат-шижоати билан жамоадорлари эътиборига тушди. Узундан-узун рақамлар, эҳти-мол, кўпчилик учун ҳеч нарсаи аңглатмас. Бироқ Ҳазрат бу рақамлар қўпларнинг фидокорона меҳнати маҳсули, келажак эҳтисобини теран аңгларди. Вақти келиб, уни билимдон мутахассис сифатида тилга ола бошладилар. Ҳ.Шомуродов 1974-1978 йилларда алоқа тармоғи бошлигининг ўринбосари лавозимига ишладди. 1978 йилдан ҳозирга қадар эса тармоқ бош ҳисобчиси вазифасида фаолият юритиб келаяпти. Аммо ўқиб, янада етук мутахассис бўлиш истаги уни бир ум бўлса-да тарк этмади. У 1989—1993 йилларда Тошкент ҳақ ҳўжалиги институтининг бухгалтерия ҳисоби факультетида сирдан тахсил олди. Соҳада ишлаб, анча-

муна амалий таҳриба орттиргани ўқиб давомиди қўл келди.

Ўқидини муваффақиятли яқунлаган йигитга яна кенг имкониятлар эшиги очилди. Таҳрибали мутахассисни бошқа жойлардан ҳам ишга таклиф қила бошладди. У қадрдон жамоасида қолишни маъқул кўрди.

Ҳазрат Шомуродов хонадони Китоб туманининг Мусобозор қишлоғидаги энг намунали оилалардан бири сифатида тилга олинади. Олти фарзанд турли соҳаларда меҳнат қилишяпти. Энг муҳими, уларнинг барчаси юрт ишига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишган.

— Мен бахтли инсонман, — дейди Ҳазрат Шомуродов. — Аҳил оилам, фарзандларим, мунчоқдек набираларим, дўстларим, яхши-ёмон кунларда таянч бўлган жамоам, севимли касбим бор. Бир инсон учун бундан ортқ бахт бўлиши мумкинми?!

Шу кунларда бу заҳматқаш инсон 55 ёшини қарши олди. Шундан 36 йили туман телекоммуникациялар боғламасидаги сермазмун фаолият билан боғлиқ, Ҳазрат Шомуродовга бундан кейин ҳам юрт равнақи йўлида узоқ йиллар ишлашга умид билдириб, унга мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА
Қашқадарё вилояти

Мурувватли инсонларга раҳмат!

Хурматли таҳририят!
Ҳомийлар ва шифокорлар йилида эзгу ишларни янада кўпроқ амалга ошириш мақсадида жон қуйдираётган ватандошларимизга сизнинг газетангиз орқали миннатдорчилик билдирмоқчимиз. Бунга эса қуйидаги воқеа сабаб бўлди:

Қўшимиз — Евгения Михайловна Кочеткова кексайиб, 87 ёшга чиққанидан сўнг Саховат уйда яшашни ихтиёр этди. Евгения Михайловна 1941 йили Москва шаҳридан Тошкентга эвакуация қилинган, узоқ йиллар мобайнида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаган. Тақдир тақозоси билан Евгения опа кексайганида ёлғизликни қолди ва қўшнилари билан маслаҳатлашиб, қолган умрини Саховат уйда тинч, осойишта ўтказмоқчи бўлди. Унинг ҳужжатларини тўғрилаш ва у ерга жойлаштириш — анчагина мураккаб, "югур-югури" кўп, узоқ вақт талаб қиладиган иш экан. Лекин шунга қарамай, Евгения Михайловнага ёрдам беришга тайёр турган, бу борадаги қўллаб-қувватлаш бўлган ишларда ўзларининг бе-миннат маслаҳатларию кўмакларини аямайдиган юртдошларимизнинг эзгу савб-ҳаракатларидан бизнинг кўнглимиз тўлди. Евгения опага ёрдам ва ҳиммат қўлини чўзган мутасадди кишилар — шаҳримизнинг Ҳамза тумани ҳокимияти ижтимоий ёрдам шўбаси мудири Алишер Эргашев, шу бўлим мутахассиси Шарофат Жумаева, Ҳамза тумани "Наврўз" маҳалласи расиси Гулчера Жаҳварова, котиба Озода Ҳикматуллаева, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг И.Эргашев номидаги тиббий-санитария қисми бош шифокори Хусниддин Насриддинов, шу қисм поликлиникаси терапия бўлими мудири Роза Мифтахова, поликлиниканинг бош ҳамшираси Татьяна Загребиналардан ниҳоятда миннатдор бўлдик.

Евгения Михайловна шу кунларда қариялар уйда яшяпти. У ўзига ўхшаган кекса онахон ва отахонлар тинч-осойишта, озода яшашлари учун барча шартношларни яратиб қўйган давлатимиздан, мутасадди ходимлардан, олий ҳимматли юртдошларимиздан жуда хурсанд.

Е.М. КОЧЕТКОВАнинг
қўшилари

Т. СОРОКИНА,
А. ЧЕРНЫШЕВА,
Г. ЗОЛЬКИНА

Новая лаборатория ЦНТМИ

В условиях стремительного развития сферы связи и информатизации операторами и провайдерами связи осуществляется большой объем работ по переоснащению и модернизации используемого телекоммуникационного оборудования, повышению качества связи и уровня обслуживания абонентов.

Стремление операторов и провайдеров сетей телекоммуникации стать конкурентоспособными на рынке предоставления качественных услуг связи требует особого внимания к вопросам системного управления процессами обеспечения безопасности труда.

Система управления охраной труда — это часть общей системы управления в области охраны труда и техники безопасности. Правовой основой управления охраной труда являются «Закон об охране труда», Трудовой кодекс Республики Узбекистан, действующие нормативные документы системы безопасности труда, санитарные нормы и правила.

В целях реализации конституционных прав граждан на здоровые и безопасные условия труда, отвечающим санитарным правилам и гигиеническим нормам, необходимо проводить аттестацию рабочих мест. Аттестация включает в себя комплексное инструментальное исследование физических, химических, биологических факторов производственной среды и трудового процесса.

Учитывая важность данного вопроса, на Коллегии Узбекского агентства связи и информатизации отмечалась необходимость проведения аттестации рабочих мест в компаниях и предприятиях сферы связи и информатизации. На сегодняшний день в республике действует всего несколько лабораторий, осуществляющих измерения уровней факторов производственной среды. При Центре научно-технических и маркетинговых исследований создана лаборатория измерений уровней факторов производственной среды для оказания услуг как для предприятий сферы связи и информатизации, так и для других предприятий отраслей экономики.

Лаборатория измерений уровней факторов производственной среды аккредитована на соответствие требованиям национальной системы аккредитации Республики Узбекистан O'z DST 16.4:2001 на техническую компетентность и независимость. В Государственном реестре Устандарты она зарегистрирована под №UJ.AMT.07.MA1.559. В соответствии с аккредитацией лаборатория проводит измерения уровней физических факторов производственной среды на хозяйствующих субъектах, независимо от форм собственности, хозяйствования и ведомственной принадлежности, по следующим параметрам:

- микроклимат;
- уровень шума и вибрации;
- уровень освещенности помещений и рабочих мест;
- радиационная обстановка;
- загазованность помещений;
- концентрация пыли в воздухе рабочей зоны;
- процентное содержание горючих газов в закрытых помещениях;
- уровень напряженности электрического поля на рабочем месте;
- электромагнитные излучения радиочастотного диапазона;
- электробезопасность.

Лаборатория оснащена необходимыми современными средствами измерений и обладает высококвалифицированным персоналом. Деятельность лаборатории поможет улучшить условия труда и безопасности производственных процессов в компаниях, на предприятиях, в том числе и на предприятиях сферы связи и информатизации.

Дополнительные справки можно получить по адресу: **г. Ташкент, ул. Дж.Абидовой, 7а. Телефон: 150-34-01, факс 134-79-07, веб-сайт: <http://ftmtm.uz>.**

Наш корр.

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ

СТРАТЕГИИ В БИЗНЕСЕ И ЭКОНОМИКЕ

infoCOM.UZ

важнейший информационно-аналитический журнал

В ташкентском Доме фотографии по инициативе редакций журналов «Экономическое обозрение» и infoCOM.UZ с 1 марта по 15 апреля 2006 года прошел конкурс на лучший рекламный оригинал-макет «Искусство создавать рекламу».

Искусство создавать рекламу

Основными целями и задачами проведения конкурса являлись популяризация рекламных технологий, создание живой рекламной среды, выявление новых тенденций в развитии рекламного дизайна.

Конкурс проводился среди дизайнеров рекламных агентств и других организаций, разрабатывающих рекламные оригинал-макеты.

К участию в конкурсе было приглашено около 230 компаний. Более 90 компаний прислали заявки на участие в конкурсе в качестве объекта рекламы. Всего на конкурс было прислано 168 работ 38 дизайнеров. Все работы оценивались по трем номинациям:

- Лучший рекламный оригинал-макет.
- Лучший рекламный оригинал-макет отечественной компании.
- Лучшая социальная реклама.

В ходе оценки работ было решено добавить поощрительную номинацию «Лучшая серия оригинал-макетов, рекламирующих один объект рекламы».

В состав жюри конкурса входили авторитетные специалисты в области дизайна, культуры и искусства, маркетинга и PR — представители Академии художеств, Ассоциации рекламы, крупнейшей компаний Узбекистана, рекламных агентств, Государственного комитета по антимонопольной политике и развитию конкуренции, Патентного ведомства.

По итогам конкурса были определены 43 работы-финалистки, из которых 20 вошли в «Лучшую двадцатку».

В номинации «Лучший оригинал-макет социальной рекламы» за работу о вреде курения победительницей стала дизайнер Татьяна Волнищкая.

В номинации «Лучший рекламный оригинал-макет отечественной компании» победил дизайнер Евгений Петров, создавший рекламу об экологически чистой сотовой связи Perfectum Mobile.

В поощрительной номинации «Лучшая серия оригинал-макетов, рекламирующих один объект рекламы» лучшими признаны работы дизайнера Артура Кана, посвященные рекламе «Овощного бутика».

Гран-При конкурса в главной номинации «Лучший рекламный оригинал-макет» присужден Артуру Кану за оригинал-макет рекламы «Капитал банка». Обладатель Гран-При конкурса получил диплом фестиваля и в качестве приза — современный ноутбук. Победители в других номинациях получили дипломы и цифровые фотокамеры Sony.



«Лучший оригинал-макет социальной рекламы»



«Лучший рекламный оригинал-макет отечественной компании»



«Лучшая серия оригинал-макетов, рекламирующих один объект рекламы»



«Лучший рекламный оригинал-макет»

НОВИНКИ

Первая в мире многодиапазонная SDR-платформа

Компания MeteorComm Wireless Communications начала поставки первой в мире многополосной программно управляемой коммуникационной платформы MCC-6100 SDR на основе SDR (Software Defined Radio), которая одобрена FCC, сообщает Telematics Journal. MCC-6100 SDR позволяет объединить революционные технологии в единой платформе связи для обеспечения непрерывной передачи данных в диапазоне скоростей 9600 бит/с — 54 Мбит/с, и может использоваться для отслеживания транспортных средств на земле или в море, обеспечения чрезвычайных услуг и удаленного сбора данных. MCC-6100 SDR функционирует как многодиапазонный, многопортовый беспроводной маршрутизатор (или как мост) между старыми низкочастотными сетями (УКВ-диапазон) и новыми высокочастотными фиксированными и мобильными сетями (2.4 ГГц для Wi-Fi). Новое устройство компании использует патентованный протокол связи MBNE, который объединяет CSMA и TDMA.

Проектор в телефоне

Компания Iijin Display хочет стать первой в производстве телефонов-проекторов. Готовится к выпуску первый в мире телефон со встроенным проектором. Вот это действительно будет номер. Ведь если сейчас для проведения презентаций приходится таскать с собой килограммы оборудования, которое еще нужно подключить к ноутбуку, настроить, короче, целая история с географией. То теперь все станет чрезвычайно просто: телефон на стол — и демонстрируй, все что хочешь. А помните, сколько народу собирается вокруг телефона, чтобы посмотреть новый видеоприкол? Эта проблема тоже отвалится сама собой: показывать можно будет прямо на стене кабинета! По предварительной информации, диагональ проецируемого изображения составит 7”.

Не так много, но это только начало. Цифровые фотоаппараты тоже когда-то были 0,3 мегапикселя и стоили 1000 долларов.

ВНИМАНИЮ АУДИТОРСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ!

АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ «УЗБЕКТЕЛЕКОМ» объявляет конкурс по вопросу: «Оказание услуг по аудиторскому обслуживанию АК «Узбектелеком» и структурных подразделений компании в 2006 году».

Аудиторские организации должны соответствовать следующим условиям: иметь лицензию на осуществление аудиторской деятельности, выданную Министерством финансов Республики Узбекистан и Полисе страхования, обладать опытом работы с крупными организациями и предприятиями (не менее трех лет) и персоналом, необходимым для оказания услуг по аудиторскому обслуживанию.

Для участия в конкурсе претенденты должны представить в АК «Узбектелеком» копию лицензии и сведения, которые должны включать информацию о их деятельности и операциях, характеризующих опыт аудиторской работы, квалификацию и иные сведения.

Документы должны быть направлены почтой или представлены в канцелярию АК «Узбектелеком» до 18-00 часов 2 мая 2006 г. по адресу:

700000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 24, АК «Узбектелеком». Дата поступления документов определяется по дате их регистрации в канцелярии АК «Узбектелеком».

Телефон для справок: 133-42-59, факс: 136-01-88.

Xabar-TV



“Узбекистон” телеканали TV1

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 “Асдолм, Узбекистон”
- 8.00-8.45 Таҳдиднома.
- 8.45 ТВ-анонс.
- 8.46 Олтин мерос.
- 9.05 “Олам ва одам” дастури: “Ер босиб қарди”.
- 9.40 “Камилла” экранли.
- 10.30 ТВ-анонс.
- 10.35 Д.Зоккиров номидаги халқ чолулари оркестрининг концерти.
- 10.55 “Сизнинг адвокатиңиз”.
- 11.00 “Аҳборот”.
- 11.10 ТВ-анонс.
- 11.15 “Оқон бўлини”.
- 11.20 “Кичик ҳаёти”.
- 11.40 У.Умарбеков. “Фотима ва Зухра”. Муқддий номидаги ўзбек дивант мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
- 12.55 ТВ-анонс.
- 13.00 “Фотима ва Зухра” спектакли. 2-қисм.
- 13.55 Эски альбом.
- 14.00 “Аҳборот”.
- 14.15 ТВ-анонс.
- 14.20 “Олтин белкич”.
- 14.50 “Қилинч тулган малика”. Бадий фильм.
- 15.00 “Болалар сайраҳси”.
- 16.40 “Эрақлар - яхшиликка етаклар”.
- 17.00 “Аҳборот”.
- 17.10 ТВ-анонс.
- 17.15 Олтин мерос.
- 17.20 “Равнақ” студияси намойиши эълани.
- 17.35 “O zbektelefilm” намойиши: “Шаҳриҳаб”.
- 17.50 “Дин таронаси”.
- 17.55 “Ур дафтари”. Хожихон Боттиев. 1-қисм.
- 18.20 “Чилон”. “Кеча ва кундуз”.
- 19.00 Филм. 1-қисм.
- 18.50 “Оқангар оғушида”.
- 19.00 “Альо йўлчи”. Телелотерей.
- 19.20 Бирка ва банк баҳарлари.
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 “Аҳборот” (рус тилида)
- 20.00 ТВ-анонс.
- 20.05 “Оқон бўлини”.
- 20.10 “Ишқ орғани”. Телесериал перемериси.
- 21.00 “Аҳборот”.
- 21.35 ТВ-анонс.
- 21.40 Эркин мавзу.
- 22.00 “Мрки Лестер”. Телесериал.
- 22.25 “Қўлимисан, муҳаббат” (SMS. Овоқ бериш).
- 23.05 “Олам ва одам” дастури: “Ғойиб бўлган кема сири”.
- 23.55-24.00 Тунги наволар.

“Ёшлар” телеканали TV11

- 15.55 Дастируниг очилиши.
- 16.00 Давр.
- 16.10 SMS текст + анонслар.
- 16.25 Болалож.
- 16.40 Наво.
- 16.55 Чамлон сирлари.
- 17.15 Кино SMS.
- 17.20 “Тандир ала”. Бадий фильм.
- 18.25 Зақониш.
- 18.40 Мусиқий лаҳазлар.
- 18.55 Иқлим.
- 19.00 Давр.
- 19.35 SMS текст + анонслар.
- 19.40 Театра урқашани.
- 20.00 Баҳор наволари.
- 20.10 Ракурс.
- 20.25 Кино SMS.
- 20.30 Оқол билан юзма-юз.
- 20.30 Оқил дини қуналати.
- 21.10 SMS текст + анонслар.
- 21.15 UzEx баҳарлари (ўзбек ва инглиз тилларида)

ДУШАНБА — 1 МАЙ

- 21.35 Ёшлар куйлаганда.
- 21.50 Эълонлар.
- 21.55 Иқлим.
- 22.00 Давр.
- 22.35 Мусиқий лаҳза.
- 22.40 UzEx баҳарлари (рус тилида)
- 22.50 “YOHNAR” да спорт дастури.
- Интердубль.
- 00.30 - 00.35 Оғзулар бекати.

“Тошкент” телеканали TV11

- 18.10 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.20 - 21.15 “Экспресс” телеахбороти.
- 18.30 “Пойтахт” (рус).
- 18.50, 20.20, 21.45 “ТВ анонс”.
- 18.55 “Болалар экранли”.
- 19.10 “Бир жуфт ақил”.
- 19.15 “Табриқлашмиш-кутайлимиш”.
- 19.45 2006 йил “Оқимилар ва шифокорлар йили”.
- “Саломат бўлинг” (рус)
- 20.00 “Пойтахт”.
- 20.25 “Камилла”. Телесериал.
- 20.45, 21.50 “Телекурьер маркет”.
- 20.55 Творит.
- 21.00 “Оқолм наволари”.
- 21.25 “Журналист таҳлили”.
- 22.00 “Москва куз ёшларига ишонмайди”. Бадий фильм. 1-қисм (рус)
- 23.00 - 23.05 “Хайри тун, шаҳрим”.

СПОРТ телеканали TV 1V

- 7.00 “Борзо удро”.
- 8.00 “Версия”. Информационно-аналитическая программа.
- 8.30 “Шовволар”. Мультсериал.
- 9.00 “Тадбир”. Информационно-таҳдидий кўрсатув.
- 9.30 “Талисман”. Сериал.
- 10.10-11.30 “Дети шинов”. Филм для детей. 1-часть.
- “SPORT” ТЕЛЕКАНАЛИ.
- 18.00 “Болалар спорти”.
- 18.15 “Мультифилм”.
- 18.30 “Хабарлар” (рус тилида)
- 18.50 “Ким нимага қадир?”
- 19.15 “В поисках приключений”.
- 20.00 “Вести”.
- 20.15 “Мониторинг”.
- 20.35 “Спортивни маликалари”.
- 20.55 “Футбол шаҳри”.
- 21.15 “Тет-а-тет”.
- 21.30 “Хабарлар”.
- 21.50 “Две судьбы”. Сериал.
- 22.40 “Проф-РИНГ”.
- 23.30 “Еврофутбол”.
- 1.00 “Тунингиз оуда бўлини”

- 5.00 Новости
- 5.10 Нарисованное кино.
- “Король и птима”
- 6.30 Комедия “Стежкин-дорожки”
- 7.50 “Играй, гитара любимая”
- Президициый выпуск
- 9.00 Новости
- 9.10 Филм “Лесная царевна”
- 11.00 Новости (с субтитрами)
- 11.10 Филм “Калина красная”
- 13.20 “Фестиваль юмора”
- 13.20 Приключенческий фильм “Джордж из Лужнец”
- 17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 17.10 “Золотой граммофон”
- 20.00 Время
- 20.20 Комедия “Убойная парочка: Сварски и Халп”
- 22.10 Филм “Команданте”

РОССИЯ

- 4.55 X/ф. “Город мастеров”.
- 6.30 “Волшебное кольцо”.
- Мультифильм.
- 6.50 “Комната смея”.
- 7.40 Юбилейный концерт Олега Иванова.
- 9.10 X/ф. “Высота”.
- 11.55 “Смелый разрешается”.
- Юмористическая программа.
- 13.00 ВЕСТИ.
- 13.20 Комедия “Ширин-мирлин”.
- 16.00 ВЕСТИ.
- 16.15 “Лучшие песни - 2005”.
- Финальный концерт.
- 19.15 Юбилейный вечер Евгения Петросова. 60 лет в совет.
- 22.40 X/ф. “Улыбка вверх”.



- 5.00 Мультфильм “БАБУШКА УДАВА”.
- ВДРУГ ПОЛУЧИТСЯ”.
- 5.15 Комедия “ВЕСНА”
- 7.00 “СЕГОДНЯ”
- 7.15 X/ф. “МИЛЛИОН ЛЕТ ДО НАШЕЙ ЭРЫ”
- 9.00 “СЕГОДНЯ”
- 9.15 Военная “ВЕЛИКОЛЕПНАЯ СЕМЕРКА”
- 12.00 “СЕГОДНЯ”
- 12.20 ПРОФЕССИЯ-РЕПОРТЕР
- 12.45 “WORLD MUSIC AWARDS - 2005”
- Филипп Киркоров, Мария Кэри, Карлос Сантана, Стиви Уандер и другие на вручении Межконтинентальной музыкальной премии в Лос-Анджелесе
- 15.00 “СЕГОДНЯ”
- 15.20 X/ф. “ВОКЗАЛ ДЛЯ ДВУХ”
- 18.00 “СЕГОДНЯ”
- 18.25 Остроумный фильм “ЛАРА КРОФТ
- РАСХИТИТЕЛЬНИЦА
- ГРОБНИЦ-2: КОЛЫБЕЛЬ ЖИЗНИ”
- 20:55 X/ф. “ТЕМНАЯ НОЧЬ”
- 23:00 X/ф. “СЛИЯНИЕ ДВУХ ЛУН”

КУЛЬТУРА телеканал

- 4.00 “ЕВРОНЬОС” НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ
- 7.00 Программа передач
- 7.10 УКРОЩЕНИЕ СТРОПТИВЫХ
- 7.40 “Дон Кихот”. X/ф.
- 9.20 “Дело, которому ты служишь...”. Юрий Толубеев.
- 10.00 “Король-олень”. X/ф.
- 11.15 “Сад богов”. Док.фильм.
- 12.10 Государственный академический ансамбль народного танца под руководством И.Моисеева.
- Ибранное.
- 12.50 ЮБИЛЕЙ НИНЫ АРХИПОВОЙ. “Театральная летопись”.
- 13.40 М.Дардаш “Пронеси и пои”. Спектакль театра Сатиры.
- 15.20 “В зоопарке - ремонт”. Мультфильм.
- 15.35 “Романтика романса”. Трио “Лойко”
- 16.20 “Продлись, продлись, очарованье...”. X/ф.
- 17.45 “Театральные байки”. Вечер в театре “Школа современной пьесы”.

- 18.40 “Звезды мировой оперы в России”. Анна Нетребко и Роландо Виллазон.
- 19.35 “Наполеон”. X/ф.
- 22:35 Программа передач
- 22:40 “Сад богов”. Док.фильм.
- 23:35 “Прыга об артист(Лидееш)”. Мультфильм для пародий.
- 23.50 Программа передач

- 7.00 X/ф. “ДЕТИ ДИОНЫ”.
- Части 5-8-9
- 8.35 “Наш друг Пинчигайт”. Мультфильм.
- 8.50 “Бити Блокберг”. Многосерийный мультфильм.
- 9.20 “Сменарики”. Многосерийный мультфильм.
- 9.30 “Финилер и Лопка”. Многосерийный мультфильм.
- 10.00 “Аладдин”. Многосерийный мультфильм.
- 11.30 Кино на СТС. “ВВЕРХ, ВВЕРХ, ПОД ОБЛАКА”
- 13.10 Кино на СТС. “ДОРОГА ДОМОЙ. НЕВЕРОЯТНОЕ ПУТЕШЕСТВИЕ”.
- 15.05 Кино на СТС. “ДОРОГА ДОМОЙ-2. ПОТЕРЯННЫЕ В САН-ФРАНСИСКО”.
- 17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
- 17.30 Кино на СТС. “ДЮПЛЕКС”.
- 19.20 Кино на СТС. “ДОСПЕХ БОГА-2. ОПЕРАЦИЯ “КОНДОР”.
- 21.25 Комедия на СТС. “МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ”.
- 22.00 Кино на СТС. “СМОТРИТЕ, КТО ЗАГОВОРИЛ-2”.
- 23.40 “Хорошие шутки”. Шоу-программа.

- 7.30 Победоносный голос вернувшегося
18.50 "Спорт уик-энд". Дам олиш дастури.
19.40 "Тайм аут".
20.00 "Вести".
20.10 "Умида ниҳоллари - 2006" қунадани.
20.30 "Талқин". Информацион-таҳлилий кўрсатуви.
21.00 "Умида ниҳоллари - 2006". Спорт мусобақаларида репортаж.
22.30 "Ровесник".
22.50 Жаҳон спорти: "Еурофутбол".
00.25 "Тунингиз осула бўлиш".

5.00 Новости
5.10 "Шутка за шуткой". Юмористическая программа
5.30 Приключенческий фильм "Сильные духом".
7.00 Игрой, гармонь любимая!
7.40 Слово пастыря
8.00 Дневной клуб: "Кряк-бригада", "С добрым утром, Микки".
9.00 Новости
9.10 "Смак"
9.30 "Три жены маршала Буденного"
10.20 "Неделя на Фабрике"
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Здоровье
12.00 Презентации. Встреть нас онлайн!
13.00 Презентации концерт к Дню радио
15.00 Футбол. Чемпионат России. "Рубин" - "Москва".
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 "Поймать вора"
17.50 "Формула красоты"
18.40 "Большая гонка"
20.00 Время
20.20 "Фабрика звезд"
21.40 Премьера. "Весна" с Иваном Ургантом
23.00 Что? Где? Когда? Финал весенних игр

РОССИЯ

5.30 "Доброе утро, Россия".
6.40 "Золотой клоун". Итоги тиража.
7.00 ВЕСТИ.
7.10 ВЕСТИ-МОСКВА.
7.20 "Диалог о животных".
7.55 "Военная программа".
8.20 "Вокруг света".
8.50 "Субботник".
9.30 "Народный артист". Результаты голосования.
10.00 ВЕСТИ.
10.10 ВЕСТИ-МОСКВА.

10.20 "Вовка в тридевятином царстве". Мультфильм.
10.40 "Сто к одному". Телеигра.
11.35 Комедия "Восшебная сила".
13.00 ВЕСТИ.
13.20 Х/ф. "Любовь земная".
15.00 "Евгений Лазарев. Последний герой".
16.00 ВЕСТИ.
16.30 ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17.00 "Народный артист".
18.00 Президиный концерт, посвященный Дню Радио.
19.00 ВЕСТИ.
19.15 Президиный концерт, посвященный Дню Радио. Продолжение.
20.10 "Смешной день рождения". Концерт Саятослава Ешенко.
22.05 Комедия "Все, что ты любишь...".



5.25 Серия "КУРСАНТЫ"
7.00 "СЕГОДНЯ"
7.15 "ДИКИЙ МИР"
7.45 "БЕЗ РЕЦЕПТА".
8.25 "СМОТ"
9.00 "СЕГОДНЯ"
9.15 "ГЛАВНАЯ ДОРОГА"
9.50 "КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС". "Гостиняя да ветерана"
10.50 "СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС" с Николаем Фоменко
12.00 "СЕГОДНЯ"
12.20 Х/ф. "БЕЛОРУССКИЙ ВОКЗАЛ"
14.30 Х/ф. "БЕЛАЯ КРОВЬ".
15.00 "СЕГОДНЯ"
15.20 "ВЕЛИКАЯ ОТЕЧЕСТВЕННАЯ: ПАДЕНИЕ БЕРЛИНА"
16.10 Детектив "ТРАКТИР НА ПЯТИШКОЛ".
18.00 "СЕГОДНЯ"
18.40 Детектив "ШПИОНСКИЕ ИГРЫ - 2 ЛОВУШКА ДЛЯ МУДРЕЦА".
20.40 Комедия "ЧЕГО ХОТЯТ ЖЕНЩИНЫ"
22.20 "ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ"
23.55 Остроумный фильм "ЧАСЫ ОТЧАЯНИЯ"

КУЛЬТУРА телеканалы

4.00 "ЕВРОНЬОНА НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ"
7.00 Программа передач
7.10 "Кто в доме хозяин".
7.40 "Жизнь моя". Х/ф.
9.05 ЛЕГЕНДЫ МИРОВОГО КИНО. Александр Столпер.
9.35 "Музыкальный класс".
9.55 ДЕТСКИЙ СЕАНС. "Следствие ведут Колобки". Привлечения поросенка Фунтика. Мультфильмы.
10.55 ДЕНЬ РАДИО. 60 лет в эфире". Концерт Академического оркестра русских народных инструментов ВГТРК. Дирижер Николай Некрасов.
11.45 "Странные контакты третьей степени". Док. филм.
12.35 "Девочки... подружки... детчища...". Док. филм.
13.20 ШЕДЕВРЫ МИРОВОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ТЕАТРА. П.И. Чайковский. Баян "Лебединое озеро".
15.40 "Каша кот Леопольда". День рождения Леопольда. "Прогулка кот Леопольда". Мультфильмы.
16.05 60 ЛЕТ ВАЛДИМИРУ БОРТКО. "Не покаян итоги...". Режиссер В. Бортко.
18.15 ДОМ АКТЕРА. Театральный туризм".
19.00 "Широкий формат" с Ириной Лесовой.
19.30 Спектакль "Троиз".

21.30 "Опаленная жизнь". Док. филм.
22.20 Программа передач
22.25 "Странные контакты третьей степени". Док. филм.
23.20 ЛЕГЕНДЫ МИРОВОГО КИНО. Александр Столпер.
23.45 "Кострома". На суше и на море! Мультфильмы для взрослых.



7.00 Х/ф. "МОЯ ДЕВОНКА-2".
8.30 "Биби Блокер". Многосерийный мультфильм.
9.20 "Смешарики". Многосерийный мультфильм.
9.30 "Флиппер и Лопака". Многосерийный мультфильм.
10.00 Лучшие программы "Улицы Сезам".
10.30 "Гаджет и гаджетина". Многосерийный мультфильм.
11.00 "Винни-Пух и день забот". Многосерийный мультфильм.
11.30 "Принцесса-лебедь. Тайна заколдованного королевства". Мультфильм.
13.00 "Самый унылый". Телеигра.
13.00 "Пират".
15.00 "ГЕРКУЛЕС". Мультфильм.
17.00 История в деталях. Специальный выпуск.
17.30 Кино на СТС. "ТРИ МУШКЕТЕРА".
19.45 Кино на СТС. "СПОРТ ЛИТЕЛ-2".
21.25 Комедия на СТС. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ".
22.00 Кино на СТС. "БЕШЕННЫЕ СКАЧКИ".



7.30 Жизнь полная радости.
8.00 Русские мультфильмы.
8.30 Русские мультфильмы.
8.45 Русские мультфильмы.
9.30 Русские мультфильмы.
9.45 Русские мультфильмы.
10.00 Русские мультфильмы.
10.30 Русские мультфильмы.
11.00 Х/ф. "СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ".
12.30 Х/ф. "СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ".
14.00 Х/ф. "СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ".
15.30 Х/ф. "СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ".
17.00 Курьер.
17.30 Х/ф. "ПРИШЕЛЕЦ ИЗ БЕЗДНЫ".
19.00 "Осторожно, модели".
19.30 "Осторожно, модели".
20.00 Х/ф. "ПРОТИВ ХИЩНИКА".
22.00 Х/ф. "ИСПОЛНИТЕЛЬ ЖЕЛАНИЙ-3".



8.00 "Линка планета". "Запретный плод". Док. филм.
8.55 "Дуг". Мультипликационный сериал.
9.20 "Близнишки-пятирешки". Мультсериал.
9.45 "Симпсоны". Мультпликационная серия.
10.45 "Очеловек" с Сергеем Ростом.
11.45 "Мозголюбы: насилие над наукой".
12.55 "Криминальное чтиво".
"Машина для убийства".
13.30 "Кино". "ШАНХАЙСКИЙ ПОДПЕЛ".
16.00 "Формула-1". "Обратный старт".
16.45 "Формула-1". Гонка. Прямая трансляция из Германии.
18.45 "Формула-1". Лучшие моменты.
20.00 "Невероятные истории" с Иваном Дыховичным.
21.10 "Поднимаем пингвинов". Концерт М. Захарова.
23.40 "Кино". "ГРЯБЕЖ".

30-канал

Душанба

16:55 — тава профиланига ишлари
16:55 — **Ойратиле** программы
17:00 — НТТ — «**Болалар соти**»
17:40 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»
18:00 — НТТ — «**Кассандра**», сериал
18:45 — НТТ — «**Самарқан** — СТВ тақдим этилади»
19:00 — «**Ошиқона**», мусликий дастури
19:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
20:00 — «**Мусликий табасум**» музыкалия перада
21:00 — НТТ — «**София**, мента имкон бер, сериал
21:40 — «**Теле-ҳақор**» фойдали газета
21:50 — «**Мусликий табасум**» музыкалия перада
22:25 — НТТ — «**НТТ иктомий лойиҳадори**»
22:30 — «**Кашқарлар макони**», сериал
23:10 — НТТ — «**Сўради ошанилар**»

Сешанба

12:00 — **Ойратиле** программы
12:05 — «**Теле-ҳақор**»
12:25 — «**Делетий час**»
12:50 — «**Солиат**», сериал
13:40 — «**Мусликий табасум**», музыкалия перада
14:00 — «**В поисках юды**», мультфильм
15:30 — «**Ошиқона**», мусликий дастури
16:15 — «**Айлар орус**» — повтор перада
16:45 — «**Теле-ҳақор**»
17:00 — НТТ — «**Болалар соти**»
17:40 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»
18:00 — НТТ — «**Кассандра**», сериал
18:40 — НТТ — «**Истиқлол** — ТВ», тақдим этиди Уйғок қўнгалар
18:50 — НТТ — «**Сени новолари**»
19:00 — «**Ошиқона**», мусликий дастури
19:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
20:00 — «**Мусликий табасум**»
21:00 — НТТ — «**София**, мента имкон бер, сериал
21:40 — «**Мусликий табасум**», музыкалия перада
22:15 — НТТ — «**НТТ иктомий лойиҳадори**»

22:20 — НТТ — «**Кашқарлар макони**», сериал
23:00 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»
23:10 — НТТ — «**Вот быстал да быстал дунё**»

Чоршанба

12:00 — **Ойратиле** программы
12:05 — «**Теле-ҳақор**»
12:25 — «**Делетий час**»
12:50 — «**Солиат**», сериал
13:40 — «**Мусликий табасум**», музыкалия перада
14:00 — «**Путешествие в землю туманов**», мультфильм
15:30 — «**30 кадр**» — развлекательная перада
16:00 — «**Делетий час**»
16:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
17:00 — НТТ — «**Болалар соти**»
17:40 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»
18:00 — НТТ — «**Кассандра**», сериал
18:40 — НТТ — «**УзоқОТБМД хема бутун на урағи**»
19:00 — «**Ошиқона**», мусликий дастури
19:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
20:00 — «**Мусликий табасум**»
21:00 — НТТ — «**София**, мента имкон бер, сериал
21:40 — «**Мусликий табасум**»
22:15 — НТТ — «**НТТ иктомий лойиҳадори**»
22:20 — НТТ — «**Кашқарлар макони**», сериал
23:00 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»
23:10 — НТТ — «**Кино сериари**»

Пайшанба

12:00 — **Ойратиле** программы
12:05 — «**Теле-ҳақор**»
12:25 — «**Делетий час**», мультсериал
12:50 — «**Солиат**», сериал
13:40 — «**Мусликий табасум**», музыкалия перада
14:00 — «**В поисках юды**» мультфильм
15:30 — «**Доб-Ми-Сеза шар**», детский мультфильм «Колосур» (повтор)
16:15 — «**Делетий час**»
16:45 — «**Теле-ҳақор**»
17:00 — НТТ — «**Болалар соти**»
17:40 — НТТ — «**Сени новолари**»

18:00 — НТТ — «**Кассандра**», сериал
18:40 — НТТ — «**Худудий телекешивар тақдим этилади**» — «**В поисках абдури**»
18:50 — НТТ — «**Эксперт ошанилар**»
19:00 — «**Ошиқона**» мусликий дастури
19:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
20:00 — «**Мусликий табасум**»
21:00 — НТТ — «**София**, мента имкон бер, сериал
21:40 — «**Мусликий табасум**»
22:15 — НТТ — «**НТТ иктомий лойиҳадори**»
22:20 — НТТ — «**Кашқарлар макони**», сериал
23:00 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»

Жума

12:00 — **Ойратиле** программы
12:05 — «**Теле-ҳақор**»
12:25 — «**Делетий час**»
12:50 — «**Солиат**», сериал
13:40 — «**Мусликий табасум**», музыкалия перада
14:00 — Х/ф — «**Комедия Данил в Лос-Анджелес**», комедия
15:30 — «**Ошиқона**» мусликий дастури
16:15 — «**Делетий час**»
16:45 — «**Теле-ҳақор**» фойдали газета
17:00 — НТТ — «**Болалар соти**»
17:30 — НТТ — «**Марказ ТВ** тақдим этиди»
18:00 — НТТ — «**Кассандра**», сериал
18:45 — НТТ — «**Қисқикум** — ТВ, тақдим этиди»
19:00 — «**Ошиқона**» мусликий дастури
19:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
20:00 — «**Мусликий табасум**»
21:00 — НТТ — «**София**, мента имкон бер, сериал
21:40 — «**Мусликий дасдар**»
22:15 — НТТ — «**НТТ иктомий лойиҳадори**»
22:20 — НТТ — «**Кашқарлар макони**», сериал
23:00 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»

Шанба

9:00 — **Ойратиле** программы
9:05 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
9:20 — «**Делетий час**», мультсериал

11:30 — «**Ошиқона**» мусликий дастури
11:55 — «**Спорт** — эфирим»
12:40 — «**Гости из будущего**», 5 серия
12:40 — «**Болалар соти**»
15:30 — «**Музыкалия каталоглар**»
16:00 — «**Делетий час**», мультсериал
16:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
17:00 — НТТ — Х/ф — «**Король лев 3**»
18:30 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»
19:00 — «**Ошиқона**», мусликий дастури
19:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
20:00 — «**Хит-парад** — плюс»
21:00 — НТТ — «**Народная арена**», ток шоу
21:30 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»
21:40 — «**Шоу-бизнес**» анимационный, информацион дастури
22:10 — НТТ — Индийское кино «**Делас**»

Якшанба

9:00 — **Ойратиле** программы
9:05 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
9:20 — «**Делетий час**», мультсериал
9:50 — «**Мультифильм**»
11:00 — «**Мусликий табасум**», фойдали газета
11:15 — «**Художественный фильм** — «**Счастье это**», картина
13:00 — «**Теле-экспорт**» — перада кино
13:20 — «**Хит-парад** — плюс» повтор перада
14:20 — «**Шоу-бизнес**» анимационный, информацион дастури
14:50 — «**Болалар соти**»
15:30 — «**Айлар орус**», познавательная перада
16:00 — «**Хит**»
16:45 — «**Делетий час**», мультсериал
16:45 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
17:00 — НТТ — «**Кинга дуддиле**»
18:20 — НТТ — «**Мусликий дасдар**»
18:40 — «**НТТ** — «**Сўради**», муниқ айлар кўрсатиши
19:00 — «**Теле-ҳақор**», фойдали газета
19:15 — «**Ошиқона**», мусликий дастури
20:00 — «**30 кадр**» — развлекательная перада
20:30 — «**Мусликий табасум**»
21:00 — НТТ — «**Якшанба оқломлари**»
21:40 — «**Мусликий табасум**»
21:40 — НТТ — «**София**»
22:30 — НТТ — Х/ф — «**Идики в черном**»

V-Марказ

Душанба

12:00 Марказ NEWS
12:20 Мировые хиты
13:00 Марказ NEWS
13:20 Узбек наволари
14:00 «Юдузлли пайшанба» (повтор)
14:30 Узбек наволари
15:00 Теления
15:30 Узбек наволари
16:00 Мировые хиты
16:30 «Кинокурьер» (повтор)
17:00 «Судьбы» (повтор)
17:30 Узбек наволари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Made in India
18:30 Узбек наволари
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Сериал
20:20 Узбек наволари
21:00 «Миссия непоторима» (повтор)
22:00 Мировые хиты
22:00 Комедия по понедельникам «**Во всей красе**»
23:40 Миксер
00:30 «**Нот-7**» (повтор)

Сешанба

12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:20 Узбек наволари
13:00 Марказ NEWS (рус.)
13:20 Мировые хиты
14:00 «**Нот-7**» (повтор)
14:30 Узбек наволари
15:00 Теления
15:30 Узбек наволари
16:30 ТОП-10 (повтор)
17:00 Узбек наволари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Made in India
18:30 Мировые хиты

19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Сериал
19:20 Узбек наволари
21:00 Спелнпортрак
21:30 Мировые хиты
22:00 Кино «**Далекая страна**»
00:30 Миксер

Чоршанба

12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:20 Мировые хиты
13:00 Марказ NEWS (рус.)
13:20 Узбек наволари
14:00 «**Судьбы**» (повтор)
14:30 Узбек наволари
15:00 Теления
15:30 Узбек наволари
16:00 «**Миссия непоторима**» (повтор)
16:30 Узбек наволари
17:00 «**Кинокурьер**» (повтор)
17:30 Узбек наволари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Made in India
18:30 Узбек наволари
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Сериал
20:20 Мировые хиты
21:00 Узбек наволари
22:00 Лучшие фильмы всех времен «**Мерташи**»
00:10 Миксер

Пайшанба

12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:20 Узбек наволари
13:00 Марказ NEWS (рус.)
13:20 Мировые хиты
14:00 Спелнпортрак (повтор)
14:30 Узбек наволари
15:00 Теления
15:20 Узбек наволари
16:00 Мировые хиты

16:30 «**Нот-7**»
17:00 Узбек наволари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Made in India
18:30 Мировые хиты
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Сериал
20:20 Узбек наволари
21:00 «Юдузлли пайшанба»
21:30 Мировые хиты
22:00 Кино «**Конвой**»
24:00 Миксер

Жума

12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:20 Мировые хиты
13:00 Марказ NEWS (рус.)
13:20 Узбек наволари
14:00 «Юдузлли пайшанба» (повтор)
14:30 Узбек наволари
15:00 Теления
15:30 Узбек наволари
16:00 Мировые хиты
16:30 Узбек наволари
17:00 «**Судьбы**» (повтор)
17:30 Узбек наволари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Made in India
18:30 Узбек наволари
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Сериал
20:20 Мировые хиты
21:00 Узбек наволари
22:00 Кино «**Затанний**»
23:40 Миксер

Шанба

12:00 TOTAL NEWS (узб.)
12:30 Узбек наволари
13:00 TOTAL NEWS (рус.)
13:30 «**ТОП-10**» (повтор)
14:00 Мировые хиты


15:00 Теления
16:00 Узбек наволари
16:30 «**Cooking show**» (повтор)
17:00 Узбек наволари
17:30 «Юдузлли пайшанба» (повтор)
18:00 TOTAL NEWS (узб.)
18:30 Узбек наволари
19:00 TOTAL NEWS (рус.)
19:30 Индийское кино
21:00 Узбек наволари
22:00 Кино «**Метрополис**»
24:00 Узбек наволари
00:30 «**Миссия непоторима**»

Якшанба

12:00 TOTAL NEWS (узб.)
12:30 Узбек наволари
13:00 TOTAL NEWS (рус.)
13:30 «**Cooking show**»
14:00 Мировые хиты
14:30 Узбек наволари
15:00 Теления
15:30 TOTAL NEWS (узб.)
16:30 Узбек наволари
17:00 TOTAL NEWS (рус.)
17:30 Спелнпортрак (повтор)
18:00 Кинокурьер
18:30 Узбек наволари
19:00 Индийское кино
20:30 ТОП-10
21:00 Мировые хиты
22:00 Кино (sms голосование)
24:00 Узбек наволари

«Узбекистон почтаси» ОАЖ Жизвак фильми ва Галларол почта локали тармоғи жамоалари тармок ходими Салоҳиддин Уфотига воллиди мустанаман Бугаби она УМАРОВАнинг амфоти муносабати билан хукур тазийа ихзор этиди.

ALOQA OLAMIDA



JAHON POCHTASI

(Охири.Бошланиши ўтган сонда.)

Автоматлаштириш — мамлакат почта хизматини такомиллаштириш жараёнидаги асосий босқичлардан ҳисобланади. Компания шу йўналишдаги ишларга доимий равишда даромадининг бир қисмини сарфлаш орқали самарали натижаларга эришмоқда. Ана шундай янгилıklarдан бири — пакетларнинг манзилга етказилиш жараёнини назорат қилишга мўлжалланган симсиз тизимнинг йўлга қўйилганлиги бўлди. Ушбу тизим жорий йилнинг ёзидан тўлиқ ишга тушади.

Шу пайтга қадар компанияда эски усуллардан фойдаланиларди. Яъни, пакетларни эгасига етказган хайдовчилар унинг олинганлиги тўғрисидаги қоғозга имзо қўйдириб олишар ва жўнатмани



Швеция почтаси — ўрмонлар ҳимоячиси



юборган мижоз унинг қачон етиб борганини истаган пайтида текшириб қўриши учун бу ҳужжат сақлаб қўйилар эди. Шунингдек, барча хайдовчилар мобил телефонлар билан татыминланган бўлиб, зарур пайтларда улар билан боғланилиб, йўл-йўлакай янги жўнатмаларни олиб кетишлари тўғрисида топшириқлар бериларди.

Янги тизимга қўра, жўнатмаларга электрон чиплар ўрнатилади — қоғоз квантацияларни сақлашга ҳеч қандай сабаб қолмайди. Энди ҳар бир мижоз махсус рақам билан белгиланган жўнатмасининг йўналишини on-line тартибда кузатиши мумкин. Илгари бу тизимдан экспресс-этиб бериш билан шуғулланувчи глобал компанияларга фойдаланарди. Янги тизимни ишга туширишга қўл мублағ сарфланди, ammo ҳисоб-китоблар жаражатлар бир йил ичида ўзини қоплатгани кўрсатмоқда.

Кескин рақобат шароитида янги хизмат турларини доимий равишда жорий этиб бориш жуда зарурдир. Чунки, сир эмаски, булунги кунда электрон почта жаҳондаги барча почта хизмати кўрсатувчи операторларнинг энг фаво ва хавфли рақибига айланган. Почта орқали жўнатилаётган хатларнинг мунтазам камайиб бориши эса охи-

оқибат катта зарар келтириши тайин. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг почта хизмати кўрсатувчи етакчи компаниялари электрон почта имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда ушбу соҳада ҳам хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга ҳаракат қилишяпти. Жумладан, 2005 йили Швеция почтаси ҳам электрон почта кутиси — "ePostbox" хизматини ишга туширди. Ўзига хос томони шуки, бу хизмат учун тўловлар худди оддий хатларда бўлгани сингари жўнатувчи, масалан, банк ёки уй-жой мулкдорлари ширкати сингари ҳар ойда қўллаб тўлов қоғозларини жўнатадиган компания ва корхоналар томонидан амалга оширилади. Эндиликда тўлов тўғрисидаги баёноти электрон кўринишда Швеция почтасига юбориш мумкин, уларни оператор олувчиларнинг электрон манзилига жўнатади.

"Яқин келажакда одамларнинг уйларидаги почта кутисида севги мактуби ёки бирон-бир тadbирга таклифномадан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. — дейди Швеция почтаси спикери Маргарета Чоура, — барча хатлар электрон шаклда жўнатилади. Тасаввур қилинг-а! Қоғоздан фойдаланишдан воз кечиб орқали қанчадан-қанча ўрмонларни сақлаб қоламиз!"

Тўғри, ҳозирча "ePostbox"га аъзо 50 компаниянинг фақат 10та-сигина унинг хизматидан фойдаланяпти, тўловларни "ePostbox" орқали амалга оширишга биргина банк рухсат берган. Шунга қарамаздан, швед почтачилари мижозлар доираси кенгайишига ҳамда бу хизмат айнақса директ-маркетинг билан шуғулланувчи компаниялар орасида оммалашшига катта умид билдиришяпти.

Эҳтимол, уларда бундай ишончинг пайдо бўлишига хорижлик ҳамкасбларининг тажрибаси сабаб бўлгандир. Масалан, 1999 йилдан буён мижозларига худди шунга ўхшаш хизматни таклиф этаётган Канада почтасининг "электрон хизмати"дан фойдаланувчилар сони булунги кунда 200 минг кишидан ошган, унга аъзо-компаниялар сони 90тага етди. Мазкур хизмат Финляндияда 2001 йилда ишга тушган бўлиб, "Net-posti" деб аталади. Бу хизматдан 130 минг киши ва 100та компания фойдаланмоқда.

"ePostbox" тизимидаги рўйхатдан ўтказилган тортиб, ҳужжатларни етказиб беришганча бўлган барча жараёнлар ишончли муҳофазаланган. Электрон почта белгиси хатнинг жўнатиш ва олинган пайтини қайд этиб боради. Бу хатни рўйхатга олинган фойдаланувчидан бошқа ҳеч ким ўқий олмастлиги ҳам кафолатланади.

Швеция почтаси мижозлар сони кўпайтириш мақсадида доимо изланишдан тўхтамайди. Масалан, мамлакат аҳолисининг 50 фоизи уяли телефонга эга эканлиги ҳисобга олиниб, яқин орада почта порталидан мобил телефон ёрдамида фойдаланиш имконини берувчи хизматни йўлга қўйиш ҳам мўлжалланяпти.

Юқоридаги мисолларнинг барчаси Швеция почтаси ишончли, самарали ва тезкор хизмат кўрсатиш орқали инсонлар ва компанияларни ўзаро боғлаш борасида астойдил фаолият юритаётганини англатади. Бу борада аънанавий ва электрон почта хизматларини бирлаштирган ҳолда иш олиб бориляпти.

INTERNET

"GOOGLE" — МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ЯХШИЛАНМОҚДА

"Google" Интернет қидирув тизимининг 2006 йил биринчи чорагига доир молиявий натижалари эълон қилинди.

Кўрсаткичлар таҳлилчилар башорат қилганидан ҳам юқори бўлди. Интернет-компаниянинг даромадлари бир йил давомида 79 фоиз ўсиб (ўтган йилнинг биринчи чорагига 1,26 миллиард доллар), 2,25 миллиард АҚШ долларини ташкил этди ва 592 миллион доллар соф фойда олинди.

АСКАРЛАР ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШАДИ

Россия Федерациясининг мудофаа вазири Сергей Иванов ҳарбий қисмларнинг Интернетга улашиши бошланганлигини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, биринчи галда қурол-аслаҳа ўқув марказлари тармоққа уланар экан.

Ушбу тadbирдан кўзланган асосий мақсад таълим тизимини тўғри йўлга қўйишдир. Вазирининг айтишича, хизматга чақирилаётганларнинг ҳаммаси ҳам Интернетдан фойдаланишни билмастлиги, бироқ энди улар ҳарбий соҳанинг бошқа сирлари қатори глобал тармоқда ишлашни ҳам ўрганишади. Бундан ташқари, Интернет кўпчилик аскарларга қариндошлари билан мулоқотда бўлиб туриш имкониятини яратди.

UYALI ALOQA

2006 ЙИЛИ — 1 МИЛЛАРД ТЕЛЕФОН

"Strategy Analytics" тадқиқотлар компаниясининг ҳисоб-китобларига қўра, жорий йилда жаҳон бозорига чиқариладиган уяли телефон аппаратлари сони 1 миллиардга етаркан.



Бу 2005 йилги кўрсаткич (817 миллион дондан)дан 22 фоиз кўпдир. Таҳлилчилар бу ҳолатни Ҳиндистон ва Бразилия каби ривожланаётган мамлакатларда мазкур алоқа воситасига талабнинг ошиб бораётганлиги ҳамда юксак тараққий этган давлатларда яшовчи жуда қўллаб-қувватловчи асосий рўл ўйнаётганлиги билан изоҳлашмоқда.

2006 йилнинг биринчи чорагига 75,1 миллион дон (жами сотилган телефонларнинг 32,8 фоизи) уяли телефон аппарати сотган "Nokia" компанияси бозорда етакчилик қияляпти. "Motorola" 46,1, "Samsung" компанияси эса 32,3 миллион дон қўл телефони сотган. Шунингдек, "LG" ва "Sony Ericsson" компаниялари ҳам етакчи бешликка кирган.

КУЧЛАР БИРЛАШТИРИЛДИ

Хитой, Япония ва Жанубий Корея ҳукуматлари ҳамкорликда тўртинчи ишлаб чиқаришга қарор қилишди.

Тегишли ҳужжатлар Япония икки ишлар вазири Хейзо Такенака, Хитой ахборотлаштириш вазири Вонг Суйдун ҳамда Жанубий Корея ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар вазири Ро Даюн Хюн томонидан имзоланди.

Мамлакатлар асосан олти йўналишда ҳамкорликни ривожлантиришади, улар орасидан уяли алоқа технологиялари ва дастур таъминоти масалалари ҳам ўрин олган.

Компьютер саводхонлиги



(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)
2-ДАРС, 2-сабоқ.

WORD ДАСТУРИДА ИШЛАШ X. «Рисование» ойнаси



«Рисование» ойнасида ҳар хил белгилар бўлиб, улар куйидаги вазифаларни бажаради:

Автофигура — ҳар хил тайёр фигуралардан фойдаланиш.

- «Линия» — чизикларни чизиш.
- «Стрелки» — стрелкаларни чизиш.
- «Прямоугольник» — тўғри бурчакларни чизиш.

- «Овал» — доира шаклларини чизиш.
- «Надпись» — ҳар хил фигураларнинг ичига курсорни киритиб, матнлар ёзиш.

- «Объект WordArt» — реферат туркумидаги ишларнинг муқоваларини безакли ҳарфларда ёзиш учун ишлатилади.

- «Добавить картину» — хотирадаги расмларни ёзилаётган саҳифага қўйиш.

- «Цвет заливки» — ҳар хил фигураларга ранг бериш.

- «Цвет линии» — фигураларнинг четларига ҳар хил рангларни бериш.

- «Цвет шрифта» — ҳарфларга ранг бериш.

- «Тип линии» — чизикларнинг турларини ўзгартириш.

- «Тип штриха» — чизикларни турли штрихларга ўзгартириш.

- «Вид стрелки» — стрелкаларни турли кўринишларга ўзгартириш.

- «Тень» — фигураларга «соя» бериш.
- «Объем» — фигураларга ҳажм белгилаш.

Агар буйруқлар жойлашган ойналар, яъни «стандартная», «форматирование», «рисование» ойналари йўқолиб қолса, уларни топиш учун: Вид>Панель инструментов буйруғига кириб, ойналар танлаб, «сичқонча»нинг чап тугмачасини 1 марта босамиз.

Матнларни кўринишида ёзиш учун: Дастлаб қалам билан тўртбурчак чизиб оламиз. Кейин тўртбурчакнинг устига курсорни қўйиб, «Формат» менюсига кирамиз ва у ердан «Направление текста» буйруғини танлаганимизда, куйидаги ойна чиқади:




Сўнг матнни қандай кўринишда ёзиш лозим бўлса, у танланади ва **ОК** босилади. Натижада матнимиз танлаган кўринишимизга ўзгаради.

3-ДАРС, 1-сабоқ.

XI. EXCEL ДАСТУРИДА ИШЛАШ


EXCEL ойнасининг кўриниши куйидагича бўлади:



EXCEL дастури асосан 4 оинадан иборат:

1. Строка меню.
2. Стандартная.
3. Форматирование.
4. Рисования.

«Строка меню» ойнаси



«Стандартная» ойнаси



Σ - «Автосумма» — натижани тез ҳисоблаш.

- «Сортировка по возрастанию» — А дан Я гача сонларни ўсиб бориш тартибида саралаш.

- «Сортировка по убыванию» — Я дан

А гача сонларни камайиб бориш тартибида саралаш.

- «Мастер диаграмм» — натижаларни диаграммалаштириш.

«Форматирование» ойнаси



- «Объединить, поместить» — катакча (ячейка)ларни бирлаштириш.

- «Денежный формат» — пул бирликларини сонлар ёнига қўйиш.


% - «Процентный формат» — сонлар ёнига % белгисини қўйиш.

000 - «Формат с разделителем» — бутун сонларга ажратиш.

+0,00 - «Увеличить разрядность» — сонларга нол қўйиш.

-0,00 - «Уменьшить разрядность» — нолларни камайтириш.

«Word» дастурида қандай жадваллар тузилса, «Excel» дастурида ҳам шундай жадваллар тузиш мумкин. Бунинг учун катакчаларни белгилаб, «Форматирование» ойнасини «Границы» буйруғидан ни босиб чизамиз. Масалан: 5-сотилган маҳсулотлар рўйхати.



Амалий машғулот:

№	Маҳсулот номи	Сони	Нархи	Жами суммаси	7%
1	Компьютер	3	540000		
2	Телефон	30	150600		

Савол: Маҳсулотнинг жами нархи қандай аниқланади?

Жавоб: Маҳсулотнинг сони нархига кўпайтирилади, шунда маҳсулотнинг жами нархи аниқланади.

Формула:

=3x540000 ва Enter

Савол: Маҳсулот жами суммасининг 7 фоизи қандай топилади?

Жавоб: Маҳсулот жами суммасини 7га кўпайтириб, 100га бўламиз.

Формула:

=540000x7/100 ва Enter

(Давоми бор.)

BADIA

Хаёт йўли ўзи бир жумбоқ. Нелар, нималар ўралашади оёқ остида? Хар тун, хар кун бир хис — Соғинч вужудимни оловлатади. Нега куш эмасман-а? Қанотим бўлса эди, учиб борар эдим Фарғонагинимга! Тушларим ҳам аёвсиз, раҳми йўқ. Мунгайиб қолган қишлоғимни менга кўз-кўз этади. Кўчалар, менсиз ғарибгина бўлган кўчалар кулгуларимга, шўхликларимга гувоҳ...

Хали тун узок. Қачон тонг отади? Мақтуб ёзмоқ истайди кўнгли — қадрдонимга, мунисгинамга, волидамга...

Ассалому алайкум... Қўлим титроқда? Нега? Кўз ёш тўқмоқ қаердан пайдо бўлган, ўзи? Нима, мен йиғлаётманми, ахир менга ким ўргатди йиғлашни? Хаёт — сен тахрибали устозсан. Сендан сенда қандай яшамок хоизлигини ўргандим...

Аяжон, сизни жуда соғиндим... Хар кун Худодан сўрайман, умрингизни зиёда этсин... Телефоним йиғлагудек бўлиб чорлайди. Эринибгина оламан... Бу — Сиз. Сиз эканлигингизни биламан, бу тун бедор бўлаётганлигини, сизни қаттиқ соғинаётганлигини сезган бўлсангиз керак!?

Аяжон, бағрингизга бошимни кўйиб ухлагим келяпти, ухлагим...

Она, сочингизга

қиров бўлдим-а,

Гоҳ узок, гоҳ яқин

биров бўлдим-а,

Мақтублар йиғлатган

сўров бўлдим-а,

Келинг, бағрингизга

бошимни кўй!

Бормайманми сиз томонга? Утдайин оловлатмоқда чорловларингиз. Йўл жуда ҳам узокми, негадир шамолнинг этагига осилиб кетгим келяпти. Шан давралар бўғмоқда мени... Дийдорнинг қадимлари бунчалар олис? Мени кутдингиз, кутаясиз. Шунчалар бемехрманми-а?! Бир кун йиқилиб тушдим... Турғузувчи нажоткор излаб, атрофга алангладим, тополмадим, ўзим турмоғимга етишмас матор... Шунда тепамдаги гирёнлар, парвоналар кетдилар тарқаб. Ёки улур туманмиди?... Коронулик қаърига кетяпти...

Сизни яхши кўраман...

чикмадим. Узокда, жуда узокда менинг бахтим. Бойлигим, давлатим, савлатим, ёнимдаги бахтим — онам! Бугуним фэйзли, бугуним бахтимга холис. Онам ёнимда. Дунёни унутиб қўяман олдиларида. Эртага ҳам шу бахтим...

ли. Гердайиш, кёкжайиш, тақабурлик ила кул атмоқчи бўлдилар... Мен куддим, ахир нахот сезмайдилар, буларнинг бари бориб турган лақмалик-ку. Қарадим, уларнинг кўнгли йўқ экан. Кўнгли йўқ, кўнглисиз бўлиб яшагандан кўра...

Сизда бойлик,

қаср бор балки,

Кўнглим — юксак қошонам,

Менинг юксак

бахтим шундаки,

Бойлигимдир —

ёлғизим Онам...

Тупроқдан изладим соғинчларимни. Яна баҳор... Менга ҳам шодлик улашадиган ва яна ўйчан маъюслик олиб келадиган баҳор...

"Ўрик нега гулламади?" 47 ёшнинг аянчи оғриклари, дада-

ман чўкиб. Ана, тақдир, ўзинга шукр, мен томон нурли фаришта нажоткор кўлларини чўзди. Таскин, тасалли берди. Бунчалар нурли чехра, илиқ сўз коронгу дилимга ёруғлик, кўзимга нур берди. Мен оламни кўрар чоғим нажоткор фариштага қарадим. Бу — менинг Онам, онажоним эди. Сиз эдингиз!..

Мен хаётни англаяпман, онажон. Ғамларнинг худуди борми ўзи? Қанча бўлиб кетди оқизоқ ўйнамаганимга. Лаҳзалар соғингандир адирларда лолақиз-ғалдоқ терганларимни... Шўҳгина қизалоғингиз шўхликларидан бугун қатрача ҳам қолмади. Нега? Нимага? Бу хаётнинг юклари залворли, бу хаётнинг йўлларидадир тош. Жимитдекина жоним унинг зарбаларига қандай дош бераётганлигига ҳайрон қоламан.

Бахтни хар ким ўзича тасаввур қилади. Бахт кидириб йўлга

дан бенасиб этма, Худо! Етмиш икки томиримда лиммо-лим мейхр. Буни кўплардан тутдим дариғ! Кўплар балки ёлгон, балки рост, тортиқ атмоқчи бўлдилар Мейхрни! Мен бош тортуғим, мушфикинамнинг гул мейхри менга кифоя...

Бу дунё азалдан

бир кам яралган,

Армонлар, қувончлар

ҳамхона экан.

Фақат юрагимда

бир куй таралган,

Онамнинг гул мейхри

менга кифоя.

"Тақдир — яхшими-ёмонми, тубанми-олижаномми — ҳисоблашиб ўтирмайди. Рўй бериши керак бўлган нарсаси, албатта, рўй беради. Болам, Ўзидан (Аллоҳдан) ўзгасига эғилма!" Сизнинг шу сўзларингиз хаётда курашиб яшашга ундайди мени. Аллоҳдан астойдил сўрадим, берди. Бандаси... Уларнинг бергани миннат-

жоним интиқ бўлиб кутган ўрик гуллари... Баҳорнинг 16-санаси... Интиқ нигоҳлар... Падари бузрукворимнинг хаёт билан видолашувви. Осон эмас, хайр-хуш кўнларни ташлаб кетмоқ.

"Мана ўрик, ўрик гуллари..." Кўлимда бир даста ўрик гуллари... ҳавода муаллақ қолди. Уларни зориқиб кутган кўлар қани?... Армоннинг суврати қалбимда муҳрланади. Нега ўрик кеч гуллади-я? Аяжон, нега бундай бўлди, ахир?! Йиғладим... Кўз ёшларим армон, алам, ғамдан кўл бўлди. Нега, наздимда ўша муд-хуш кун сочларингизга кўп қировлар инди?... Мунгли қароқларингиздан кўним топди-я? Кўларимга сиз тақиб кўйган кўзунчоғим узилиб тушди... Менга кўз термадимикан? Дадамнинг қабрига хар гал борганимизда, фотиҳа ўқир экансиз, юрагим алланечук ўртаниб кетади. Тасалли изламоқ қийин қаро тупроқдан... Рўхлари

шод бўлиш фақат...

Аяжон... бунчалар кўп сўзлаятти деманг, сийратим ёш, лекин қалбим минг йиллар яшагандек... Мен сизга ўхшамадим... Қайсарлик, ўжарлигим бисёр. Сизнинг кўнглингиз бунчалар кенг-а!

Мендан хавотир оласиз... Мен ҳам... ўз-ўзимдан хавотир-даман, эрта тонгана етаманми?... Мақтубим хотима толма-япти, тополмайпти. Гарчи... тонг яқинми?... Бораман, сиз томон субҳи содиқда! Соғинч, ёени англадим, англаяпман, англай-вераман...

Мени соғингандир Фарғона. Ох, соғинч...

Соғинч — Фарғонаминг

узун йўллари,

Соғинч — кипригимда

қалтираган ёш.

Ох, сенга тилайман

Худодан бардош,

Дуога очилган

онам кўллари...

Соғинчга ўхшайди онам, ёки акси, онамга ўхшайди соғинч... Тонгни орақиб кутяпман... Нақадар оғир тонгни кутмоқ!

"Йўлга чиқдим, бораёпман мен". Мен шоир бўлиб, сўз топмайман. Қани онамга аталган сўзлар? Кидирдим, тополмайман. Фақат юрагим ёняпти соғинчдан. Оқдий сўзлар келар қошимга, оқдий сўзлар... Сизни яхши кўраман, Онажон! Хаёт барибир гўзал, унда сизнинг борлигингиз қандай яхши!.. Сизни яхши кўраман!

Тонг отди... Дийдор... Яратганга шукр... Довондан сўнг — Фарғона!

Мен ҳеч ким учун

ёзмаганман шеър

Ва яна ҳеч кимга

очмадим бағир.

Англадим...

Англадим...

Англаяпман мен, —

Онам соғингандан

бўлйпман шоир...

Маҳфуза Бону
ҚОБИЛЖОН қизи

TEST

Сир сақлашни биласизми?

(Аёллар учун)



1. Сиз битта янги гилам сотиб олмоқчисиз. Шу ниятда дўконга кирдингиз. Лекин сизга турли рангдаги учта гилам ёқиб қолди. Қайси рангли гиламни оласиз?

- а) қизил — 6 балл.
- б) ҳаворанг — 2 балл.
- в) сариқ — 5 балл.

2. Сизни меҳмондорчиликка таклиф этишди. Қандай либос киясиз?

- а) шим ва оч рангли блузка — 3 балл.
- б) алоҳида либос — 1 балл.
- в) узун юбка — 2 балл.

3. Сиз тўсатдан анчадан бери кўрмаган яқин бир танишингизни учратиб қолдингиз. Ўзингизни қандай тутасиз?

- а) жуда ҳам соғингандек кўришаман — 4 балл.
- б) жилмайиб, қўлимни узатаман — 3 балл.
- в) мени танирмикин деб, аста кўришаман — 1 балл.

4. Меҳмондорчиликда меҳмонлардан бири сизни ўйинга таклиф қилди. Нима қиласиз?

- а) мени тиңч кўйишни илтимос қиламан — 6 балл.
- б) ўйинни билмаслигимни айтаман — 8 балл.
- в) у билан ўйинга тушаман — 4 балл.

5. Кечки пайт телевизор кўриб ўтирганингизда, қўшни хонадонда шовқин-сурон кўтарилди. Сиз нима қиласиз?

- а) ажратиш учун тез боришга ҳаракат қиламан — 5 балл.
- б) эътибор бермайман — 3 балл.
- в) телевизорни пасайтириб, қулоқ тутаман — 6 балл.

6. Танишларингиздан бири туғилган кўннингиздан бир неча кун олдин сизга совға ҳада этди ва уни туғилган кўннингизда очиб кўришни илтимос қилди. Сиз нима қиласиз?

- а) ўша захотиёқ очиб кўраман — 7 балл.
- б) туғилган кўннингизда очаман — 4 балл.
- в) бирор-бир жойидан кўз қирини ташлайман — 4 балл.

7. Ортиқча вазингиз сизга ташвиш келтирадими?

- а) ҳеч қачон — 3 балл.
- б) баъзан озишга ҳаракат қиламан — 6 балл.
- в) ташвиш қиламан — 7 балл.

8. Меҳмондорчиликда кўнглингиз тусанган нозу неъматларни тановул қилишдан тортинмайсизми?

- а) узимни тортиб тураман — 3 балл.
- б) хоҳлаганча олиб ейман — 2 балл.
- в) таклифни кутиб тураман — 3 балл.

Энди тўплаган натижаларга кўра сир сақлаш қобилиятингизни синаб кўраемиз. Агар тўплаган баллингиз 25 баллга етмаса, демак, сиз билан дўстлашиш мумкин. Чунки сиз сир сақлашга устасиз. Хар қандай миш-мишлар сиздан нари ўтмайди. Ўз ишингиз ҳақида атрофдаги танишларингизга жуда ҳам кам гапирасиз. Шундай бўлса, сиздаги ажиб бир лағофатни ҳеч ким инкор этолмайди.

Агар сиз тўплаган балл 25 баллдан кўп — 36 баллдан кам бўлса, сиз тез ва осонлик билан янги танишлар орттирасиз, чунки сизда одамларга доим ёрдам берадиган ажиб бир ҳислат мавжуд. Сизни танишларингиз — очик қалб эгаси, дейишади. Йўл кўйган хатоларингиз ҳақида ҳеч уялмай гапириб берасиз, қизикарли воқеалардан танишларингизни ҳам воқиф этасиз. Агар масала энг яхши танишларингиз, дўстларингиз устида бўладиган бўлса, улар ҳақида ҳеч ёмон гап гапирмайсиз. Агар танишларингиз у ёки бу нарсани гапириб, бу гапни сир тутишни сиздан илтимос қилса, сизда бу илтимосни охиригача бажаришга катта салоҳият бор.

Агар сиз тўплаган балл 35 баллдан 45 баллгача бўлса, олдиндан айтиб қўйишимиз керакки, сиз давраларнинг энг сеvimлисиз. Чунки даврани доим ўз танишингиз, ҳикоятларингиз билан гуллатиб юборасиз. Бирор-бир миш-миш ёки гийбат қўлонингизга чалинса, виддон амрига қарши юриб, уни бошқача бир шаклларда давраларда айтиб юборасиз. Кейин эса қўлга ишингиздан пушаймон бўлиб юрасиз. Шунинг учун бўлса керак, характерингизда бу ҳусусиятни билган яқинларингиз сизга ўз сирларини айтишни истамайди.

HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

Хозирги кунда мамлакатимизда бир қанча соғломлаштириш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида академик Мирзакарим НОРБЕКОВ бошчилигида ташкил этилган "МАДАДИ-СИНО" соғломлаштириш маркази беморларни даволаш услуби билан бошқалардан тубдан фарқ қилади. Бу услуб нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам ўзига хос саналади.

Академик Мирзакарим НОРБЕКОВ услуби:

Саломатлик, навқиронлик ва ёшлик сари



Агар инсон ўз хохишларини маълум мақсад сари йўналтира олса, у деярли мўъжиза яратишга қодир!

Мирзакарим НОРБЕКОВ

Лидия ШКОЛИНА, бемор:



— Мен Нукус шаҳридан келганман. Беш кунлик даволанишдан сўнг кўзим равшанлашиб, нафас олишим яхшиланди. Қон босимим пасайиб, юрагимнинг уриши меъёрлашди. Бош оғриғи, уйқусизлик йўқолди. Бир неча килограммга ортиқча вазндан халос бўлдим. Энг асосийси, дориларни истеъмол қилишдан тўхтадим ва кайфиятим яхшиланди. Ҳаётдан лаззатлана бошладим.

Дамира АХМЕДОВА, бемор:



— 15 йилдан буён бронхит астмадан азият чекаман. Фақат дори-дармонлар қабул қилиш билан кун кечирадим. Беш кун ичида дори ичишни тўхтатдим. Аввал юришга қийналардим, энди эса ўзимни енгил ҳис қиламан. Юрагим уриши, қон босимим яхшиланди. Асабийлашим йўқолиб, ўзимга ишонч пайдо бўлди. Ҳаётга қарашим ўзгарди.

Бу ерда шифокорлар бизни даволашни мумкинчилигига ишонтиришди ва буни исботлаб беришди. Энди бу касалликларга бошқа чалинмайман, деб ўйлайман.

Психология фанлари доктори, тиббиёт фалсафаси фанлари доктори, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлардаги қатор академияларнинг ҳақиқий ва муҳбир аъзоси, Москвадаги "Инсон Институтини" олий даргоҳининг асосчиси ва президенти, академик Мирзакарим Норбеков томонидан ишлаб чиқилган "Ўз-ўзини психосоматик ростлаш" таълим тизими 2005 йилда дунё миқёсидаги машҳур соғломлаштириш тизимлари орасида энг самаралиси деб тан олинган. Хозирги кунга келиб унинг методикаси бугун жаҳонда, жумладан, Россия, АҚШ, Англия, Канада, Исроил, Туркия, Қозғистон каби кўплаб мамлакатларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Шу вақтга қадар услубдан миллиондан ортиқ беморлар ўз дардларига шифо топишди.

Шавкат Иброҳимов, "МАДАДИ-СИНО" соғломлаштириш марказининг даволовчи ўқитувчиси, олий тоифали шифокор:

— Ҳар қандай касалликни даволаш учун, аввало, беморда ишонч ва ирода бўлиши шарт. Агар беморнинг ўзида тузалишга хоҳиш бўлмаса, ҳар қанча даволанмасин, шифо топиши мушкул. Буюк бобокалонимиз Ибн Сино шундай деган: "Биз унтамиз — мен (табиб), сен (бемор) ва у (касаллик). Агар сен касаллик тарафидан бўлсанг, унда мен сизлардан кучсизман, агар сен мен томонда бўлсанг, биз касалликни енгилга қодиримиз". Академик Норбековнинг даволаш тамойили ҳам шунга асосланган. Тўғри, ҳар хил доривор воситалар ёрдамида ҳам даволаниш мумкин, лекин замонавий тиббиётда ҳеч қандай дори-дармонсиз ҳам бутун танани соғломлаштиришнинг имкони борлиги исботланган.

— Баъзи касалликлар борки, уларни жарроҳлик амалиётидасиз даволаш қийин. Марказда бундай касалликлар қандай даволанади?

— Шундай вазиятлар бўладики, кишига шовшлинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш зарур. Бундай пайтларда зудлик билан шифокорларга мурожаат қилиш керак. Баъзи касалликларни эса инсон ўз иродаси ёрдамида, ички куч билан енга олади. Бундай услубда нафақат енгил, балки оғир хасталикларга ҳам даво топилади. Масалан, бизда самарқандлик бир бемор беш кундан бери даволаняпти. У ўн беш йилдан буён бронхит астма касаллигидан азият чекиб келган. Зиналардан чиқишга, умуман, юришга жуда ҳам қийналган. Ҳозир ушбу бемор учинчи қаватга ҳеч бир қийинчиликсиз чиқиб тушяпти. Бронхит астма касаллигининг асоратлари сезилмаяпти, нафас олиши ҳам енгил кечяпти. Энг асосийси, бунга у ҳеч қандай дори-дармон истеъмол қилмасдан эришмоқда.

— Бемор даволанганидан кейин мутлақо

соғайиб кетадими ёки улар вақтинча руҳан ўзларини соғлом ҳис қилишадими?

— Агар одам ўзи соғайишни хоҳласа, мунтазам ўз устида тўхтамасдан ишласа, бу ерда эришилган натижа бир умрга қолади.

— Даволашда гипноздан ҳам фойдаланиладими?

— Йўқ, бизда бундай усуллардан фойдаланилмайди.

— Ҳар хил дамлама, доривор воситалар ҳам ишлатилмайдими?

— Мутлақо. Бизда фақат беморнинг ички кучига таянилади. Биолансизм, даволаб бўлмайдиган касалликнинг ўзи йўқ, давосизман дегувчи беморлар бор, холос.

Баҳодир НАЗИРОВ, даволовчи-психолог:

— Биз биринчи навбатда касалликнинг келиб чиқиш сабабларини йўқотишга эътибор қаратамиз. Касаллик даволанса, кейинчалик кайталаш эҳтимоли бор. Агар унинг сабабини аниқлаб, унга қарши курашсак, у бутунлай чекина бошлайди. Инсон танасининг имкониятларини ўрганиш орқали кўп касалликлардан ҳимояланиш мумкин. Демакки, ҳар қандай организмни кучайтириш ва шу йўл билан касалликларга қарши курашиш имкони бор.

Кўпчилик касалликдан дори-дармонсиз фориг бўлиш мумкин эмас, деб ўйлайди. Бу нотўғри фикр. Бир мисол келтираман. Қадимдан халқимизда "Кулги умрни узайтиради", деган гап бор. Ёмон кайфият танани оғирлаштиради, иммунитетни кучсизлантиради. Салбий фикрлар ҳам организмга ёмон таъсир қилади. Инсон бундай ҳолатлардан чиқиб кетиши, яъни руҳга таъсир қилиш орқали танага ҳам қувват бериши мумкин. Масалан, кулгини сунъий равишда ушлаб туришнинг ўзи ўша салбий ҳолатни ўзгартиради. Бунга сабаб, юздаги кўп мушаклар мия билан боғлиқ ва улар мияга кулги орқали ўзига хос сигналларни узатади. Натижада организмда "Иноморфин" деган гармон иш-

лаб чиқарилади. Бу эса касалликларнинг олдини олади, оғриқни камайтиради. Шунингдек, кулги мушаклари орқали кўз ҳам равшанлашади.

Рухий тушкунликдан чиқиш инсоннинг ўз кўлида. Бизнинг тизимда бу ҳолатдан тана ва нафас мушаклари орқали уч дақиқада халос бўлиш мумкин.

— Ҳозирги кунда кўпчилик ортиқча вазндан азият чекади. Сизларда бу касаллик қандай даволанади?

— Бизда 10 кун ичида 8 килограммгача ортиқча вазндан халос бўлганлар бор. Бунга танани ёшликка қайтариш орқали эришамиз. Бизда парҳез усули қўлланилмайди. Аксинча, беморларни таомларни лаззатланиб ейишга, тўйиб овқатланишга ундаймиз.

Кўпчилик бир бурда ширинлик еб, ўзини айбдор ҳис қилади. Семириб кетаман деган хавотир бутун руҳини қамраб олади ва тана шунга мойил равишда ривожланади. Биз эса беморларга овқат ейишни тақиқламаймиз ва инсон шу тўғайли семирмаслигини тушутираемиз. Бу фикр уларнинг миёсида ўрнашиб қолади ҳамда улар ўз-ўзидан ортиқча вазндан халос бўла бошлайдилар.

— Ҳар бир инсонда ички кўрқув (фобия) бўлади. Бундан ҳам халос бўлиш мумкинми?

— Фобиялардан халос бўлишнинг асосий омил, авваломбор, унинг сабабини аниқлаш билан боғлиқ. Ички кўрқув ҳаёлда рўй беради. Ҳар бир киши ички кўрқувни ўзи яратади ва шундан азият чекади. Масалан, кимдир баландликдан, кимдир эса ҳар хил жониворлардан кўрқади.


Аксариyat кишилардаги фобия касаллиги болаликдаги ҳолатлар билан боғлиқлигини аниқлаганимиз. Оилаларнинг кўпчилигида болаларга нисбатан "ундан нари тур", "буни қилма" каби турли ўринсиз чекловлар ва турли "кўрқитиш усуллари" қўлланилади. Бу эса уларнинг онгда бир умрга муҳрланиб қолади ва келгусида турли салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Махсус мушаклар орқали инсонларнинг беш ёшгача бўлган ёшлигини эслатамиз ва касаллик сабабини аниқлаб, уларни даволаймиз.

Шунингдек, бизда инсон иродасини мустақамлаш орқали кашандалик, алкоголизм каби кўпгина зарарли одатлардан фориг этилади. Беморлардан талаб этиладиган биргина нарса бу — уларда ички хоҳиш бўлса бас.

Лутфилло ТУРСУНОВ ва Шухрат НОРМУРОДОВлар сўхбатлашди

"МАДАДИ-СИНО": ЯНГИ, ТЕЗ, ҚИСҚА ВА САМАРАЛИ МЕТОДИКА

Дард борки, давоси бор. Агар сиз истасангиз ўз дардингизни ўзингиз даволашингиз мумкин. Бу йўлда биз сизга ёрдам берамиз.



"МАДАДИ-СИНО" соғломлаштириш марказида ҳеч қандай дори-дармонсиз, жарроҳлик амалиётидасиз 10 кун мобайнида турли мушаклар ёрдамида турли касалликларни кучлари ишга солиниб, 192 хил дардлардан фориг бўласиз. Жумладан, кўз касалликлари (астегматизм, яқин-узоқни кўра олмаслик, катаракта), қон томирлар вазикоз, остеохондроз, юрак-қон томирлар хасталиги, қон босимининг ошиши, кўз ва кулок нервларининг невритлари, ички аъзо, ошқозон-ичак, ўпка-нафас олиш тизими, модда алмашинуви, умуртка поғонаси, гинекологик, урологик, аллергия, тери хасталиклари, чандик ва бошқа нуқсонларни йўқотиш, астма, экземалар, энурез, импотенция, простатит, гипотония ва бошқа хасталиклар.

Бундан ташқари, турли хилдаги оғриқлар, руҳий тушкунлик, кўрқув, уйқусизлик, асабийлашиш ҳолатлари, оилавий муаммолар, атрофингиздаги одамлар билан бўладиган муаммоларни ҳал этасиз.

Агар Сиз бемор бўлсангиз — соғлиқка, агар Сизда кўрқув бўлса — кучга ишонч, хушчақчақлик, ёшлик ва шодликка эришасиз!

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 23-уй.
Телефон: 366-44-59; 366-28-89. Лицензия №3095. Интернет сайтими: www.norbekov.com
Мўлжал: Метроинг Мирзо Улуғбек бекати.

Sport



SHIFOBOXSH NEMATLAR

Тоғрайхон

Тоғрайхон — лабгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Бўйи 30-60 см.га етади, хушбўй. Ундан қадим замонлардан бери ошқўк, зирavor ҳамда доривор ўсимлик сифатида фойдаланиб келинади.

Тоғрайхон ўти таркибида 2,2 фоиз эфир мойи, 6-8 фоиз танид моддаси, микроэлементлар, органик кислоталар, С витамини, каротин каби моддалар mavjud. Ўсимлик уруғларида 28 фоизга қадар ёғ бўлади.

Халқ табobatiда тоғрайхон бод, фалаж, тутқаноқ, кўнчик, ичак огрикларига қўлланилади, шунингдек, ундан сийдик хайдовчи ва терлатувчи восита сифатида ҳам фойдаланилади.

Тоғрайхон меъда-ичак фаолиятининг сустигида, умумий дармонсизликда, дамламаси эса терлатувчи омил сифатида шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларда тавсия этилади.

Замонавий тиббиётда тоғрайхон дамламаси ичак фаолияти заифлашганда, иштаха очувчи, овқат хазм бўлишини оsonлаштирувчи, сийдик ва гижжа хайдовчи, балғам кўчирувчи дори сифатида қўлланилади. Ташқи муолажада эса ундан бойлама-компресс сифатида фойдаланилади. Тоғрайхон мойи тиш огригини колдирувчи восита ҳисобланади.

FUTBOL

МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУР

Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ bosқичи тўртинчи тур ўйинлари мамлакатимиз вакиллари учун муваффақиятли якунланди.

Саудия Арабистонининг "Ал-Хилол" жамоасини қабул қилган муборакликлар ўтган турдаги мағлубият аламини олишди. "Пахтакор" эса сафарда ажойиб галаба эвазига гуруҳдаги пешқадамликни янада мустақкамлаб олди.

"Машъал" — "Ал-Хилол" — 2:1
Голлар: Ботир Қораев, 52; Зафар Холмуродов, 86 — Досари, 90.
"Фулад" — "Пахтакор" — 1:3

Голлар: Майсем Сулаймоний, 38 — Ренат Байрамов, 46; Владислав Кирян, 48; Зайниддин Тожиев, 57.



ФИНАЛ: "АРСЕНАЛ" — "БАРСЕЛОНА"

Европа чемпионлар лигасининг ярим финал ўйинлари жавоб учрашувларидан сўнг финалчилар номи маълум бўлди. Икки жуфтликда ҳам ўйин тақдири биринчи баҳсларда киритилган тўплар эвазига ҳал этилди.

Сешанба оқшомида бўлиб ўтган "Виярреал" — "Арсенал" ўйинида мезбонлар тўп киритишлари шарт эди. Шу мақсадда Испания жамоаси бор эътиборини ҳужумга қаратди. "Арсенал" эса қарши ҳужумга таяниб ҳаракат қилди. Ўйин

яқунланишига санокли дақиқалар қолганда "Виярреал" жамоасида тўп киритиш учун жуда қулай вазият юзага келди, бироқ 11 метрлик жарима тўпини жамоа етакчиси Рекелме дарвозага аниқ йўллай олмади.

"Виярреал" — "Арсенал" — 0:0 (Биринчи учрашув — 0:1)

"Барселона" — "Милан" учрашувида эса меҳмонлар гол уриши талаб этиларди. Ўйин тенг курашлар остида кечди. Икки жамоада ҳам тўп киритиш учун қулай вазиятлар юзага келган бўлса-да, дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

"Барселона" — "Милан" — 0:0 (Биринчи учрашув — 1:0)
Шундай қилиб, Европа чемпионлар лигасининг финалида Англия ва Испания жамоалари ўзаро баҳс олиб боришади. Финал ўйини 17 май куни Парижда бўлиб ўтади.

MINI-FUTBOL

"ТШТТ" — КўЧМА КУБОК СОҲИБИ

"Ўзбектелеком" АКнинг кўчма Кубоги учун мини-футбол мусобақалари якунланди. Барча рақибларини доғда қолдирган "ТШТТ" жамоаси мусобақа голибига айланди.

Ярим финал ўйинларида "Тошкент Телеком" ва "ТШТТ" жамоаларининг устунлиги таҳмин қилинаётганди. Натижалар бу таҳминларни исботлади, лекин етакчи саналган жамоаларга галаба қозониш оson кечмади. Умуман, ушбу мусобақа кучли жамоалар сони ортиб бораётганини кўрсатди ва қатор иқтидорли ўйинчиларни кашф этди.

Ярим финал

"ТШТТ" — "ШАК" — 3:2
"Тошкент Телеком" — "ЎзНЕТ" — 8:3
3-ўрин учун

"ШАК" — "ЎзНЕТ" — 5:4

Мусобақа финали барчанинг диққат-эътиборида бўлди. Мағлубият нималигини билмай келаётган жамоалар ким кучли эканлигини финал ўйинида исботлаб бериши лозим эди. Иккала жамоа ҳам ўйинни эътиёткорлик билан бошлади. Шунинг учун Тошкент алоқа касб-хўнар коллежи спорт залига йиғилган ишқибозлар ўйин бошларида гол кўришмади. Биринчи бўлим охириларига келиб "ТШТТ" жамоаси ҳисобни очди. Шундан сўнг ўйин шиддати янада ортди. Дарвозаларга кетма-кет тўплар киритила бошланди. Устунлиқни ўз томонига оддириб олган пойтахтлик алоқачилар ўйин якунида 7:4 ҳисобидаги галабага эришдилар.

Финал

"ТШТТ" — "Тошкент Телеком" — 7:4

Тақдирлаш маросимида "Ўзбектелеком" АК бош директори Х.Мухитдинов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов ва бошқалар иштирок этишиб, жамоаларни ажойиб ўйин намойиш этганликлари билан кўтлади. Голиб бу совриндорларга компаниянинг қимматбаҳо совгалари топширилди.



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Шу йилнинг 21-27 май кунлари Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида мини-футбол бўйича VIII Осиё чемпионати ўтказилади. Ўтган ҳафтада ушбу нуфузли мусобақага қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Қуръа натижалари куйидагича:

"А" гуруҳи: Ўзбекистон, Хитой, Хитой Тайпейи, Малайзия.

"В" гуруҳи: Япония, Тожикистон, Ироқ, Гонгконг.

"С" гуруҳи: Қирғизистон, Қувайт, Ливан, Австралия.

"Д" гуруҳи: Эрон, Таиланд, Индонезия, Туркманистон.

txabar@mail.uz

<p>МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги</p> <p>Бош муҳаррир: Орифжон МУХАММАДЖОНОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Иззат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Бахтиёр КЎБЕВ Шомансур ОВИДЖАЕВ Миродия САБИДЛОВ Рашидбек СУЛАЙМОНОВ Дуффило ТУРСУНОВ (масъул котиб) Асладжон ХЎЖАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Солиқжон ҚОСИМОВ</p>	<p>Тахририятта келган қўлма ва суратлар оғаларига қайтарибмайли. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Наширмишдан кўчириб босилганда "Хабар" дан олинганлиги кўрсатиш- лар шарт. Тахририй материал — ❶. Реклама матнларининг турлиликта тахририят жаобгар эмас. Рақам ва дамаларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир. Газетани таёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p> <p>Манзил: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>654-G сонли буортма. Офсет усулида босилади. Қозғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табак. Адади: 8504 нусха.</p>									
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази. Саҳифаловчи: А.БҮРИЕВ. Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА. Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>										
<p>Жамоатчи муҳбирларимиз:</p>	<p>Андижонда 46-47-80</p>	<p>Бухорода 226-22-14</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-26-96</p>	<p>Навоийда 222-56-30</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукусла 222-14-63</p>	<p>Самарқандда 34-06-71</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 133-36-48</p>	<p>Урганчда 226-43-13</p>	<p>Фарғонада 226-87-71</p>	<p>Қаршида 23-04-89</p>

